Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 141 (6. 332) ◉ 1987 йил 23 июнь, сешанба ◉ Баҳоси 3 тийин

Партия сафлари мустаҳкамлиги учун

ЁШ КОММУНИСТЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида қабул қилган қарори бизга бундан буён коммунистларни, энг аввало ёш коммунистларни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш тўғрисида партия ташкилотн алоҳида ғамхўрлик қилишига, партия йўлини амалга оширишда уларнинг актив позициясини шакллантиришга, юксак маънавий фазилатларни, социалистин интернационализм ва совет ватанпарварлигни туйғуларини тарбиялашни биринчи ўринга қўйишга ундайди.

Бизнинг корхонамиз партия ташкилотида ҳам ёш коммунистларни назарий жиҳатдан ҳали зарур фазилатларни ўзида мужассамлаштирмаган ёшлар учраб қоляпти. Бундан буён бундай кишиларни партия сафига қабул қилмаймиз. Бундан мақсад ёшларни ҳали партия сафига кирмасданоқ ўз бурчини чуқур тушуниб етишларига, ўз ҳаётини партия билан боғлаш истагини билдирган кишиларнинг сиёсий, амалий ва ахлоқий жиҳатдан юксак талабларга жавоб беришидан иборатдир.

Ҳозирча биронта ҳам цех партия ташкилотининг бу борада олиб бораётган ишини эътиборга сазовор деб бўлмайди. Аксинча кўпгина цехларнинг партия етакчилари ишни яхшилаш ҳақида ваъдалар беришади-ю, амалда уларни адо этишмайди. Ишлаб чиқаришнинг бир маромда бормаслигига кўп жиҳатдан ана шу таъсир қилмоқда.

Бошланғич партия ташкилотининг жанговарлигини ошириш ҳақида кўп гапирдик, муайян ишлар ҳам қилинди. Аммо унинг самараси ҳали кутилган даражада бўлмаяпти. Биз булар ҳақида жиддий ўйлаяпмиз. Ишларни қайта қуриш жадаллаштириш даврида бу борада ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, демократияни чуқурлаштириш зарур. Негаки, ҳозир мамлакатимизда революцион жиддий ўзгартиришларнинг олдинги сафида бораётган коммунистлар қаторига бориб қўшиладиган ёш коммунистлар ҳар жиҳатдан тўкис, ўз олдидаги бурчни чуқур ҳис этадиган кишилар бўлмоғи керак.

С. НОСОВЕЦ,
Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи партия комитети секретарининг ўринбосари.

Қурилиш майдонларида

Икки йиллик план— 7 ноябрга

Юнусобод массивининг Мирзоахмедов кўчасида 221 ўринли тўққиз қаватли янги ётоқхона биноси қад кўтарди. Объектда қурилиш-монтаж ишларини «Главташкентстрой»нинг 4-трестига қарашли 18-қурилиш бошқармасининг Владимир Мехов бошчилик қилаётган комплекс коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари олиб боришди. Бригада пудратни методи асосида меҳнат қилаётган бу коллектив шу кунларда графикдан икки ҳафта ўзиб ишламоқда.

Коллективнинг Виктор Хайнов, Абдувоҳид Собиров, Юрий Велихов сингари монтажчи, бетончи ва пайвандчилари кунлик смена топшириқларини мунтазам равишда 15—20 процент ортиғи билан адо этишга муваффақ бўлишяпти.

Объектни муддатидан илгари фойдаланишга топширишга аҳд қилган бинокорлар социалистик мусобақани авж олдириб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70-йиллиги байрамигача икки йиллик план-топшириқларини бажарши учун курашяптилар.

Чиннисозлар туҳфаси

Юбилей йилида катта мақсадлар сари дадил одимлаётган Тошкент чинни заводи ишчан коллективининг эришаётган меҳнат муваффақиятлари ой сайин юксалиб бормоқда. Барча техник иқтисодий кўрсаткичлар бўйича белгиланган планлар мунтазам ортиғи билан адо этилаётир. Бундай юқори кўрсаткичларнинг қўлга киритилишида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига корхона ишчилари ўртасида авж олдирилаётган ўзаро социалистик мусобақанинг роли катта бўлаётир. Беш йилликнинг икки йили планини улуғ айёмгача бажаришга сўз берган ўнлаб аҳдига вафодор ишчилар бу борада ибрат кўрсатишмоқда. Уларнинг фидокорона меҳнатлари эвазига заводда ишлаб чиқилган қўшимча маҳсулотларнинг ҳажми 30 минг сўмликдан ортиб кетди.

Завод меҳнатчилари ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришиш билан биргаликда маҳсулотларнинг янги турларини яратиш борасида ҳам қизғин изланишлар олиб боришмоқда. Уларнинг аксариятига Улуғ Октябрь тантанасининг рамзи туширилмоқда. Ҳозиргача савдо пештахталарига жўнатилган ана шундай чинни буюмлар талабчан харидорлар томонидан муносиб баҳоланди.

Р. АЛИЕВ.

Ветеранлар билан учрашув

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев 22 июнь куни Тошкентда Уруш ва меҳнат ветеранлари республика, Тошкент область ва шаҳар ташкилотларининг активлари билан учрашди. Учрашувни Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон республика Кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов очди.

Республикада қайта қуришнинг бориши ҳақида, уруш ва меҳнат ветеранларининг амалий ёрдамида ҳал этилиши мумкин бўлган вазифалар тўғрисида муфассал гапларшиб олинди. Республикадаги барча мавжуд меҳнат резервларини актив ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этиш зарурлиги, ёшлар ўртасида тарбия ишини, айниқса атеистик тарбияни кучайтириш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

(ЎзТАГ).



«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси 6-цехининг Ю. Родионов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси Улуғ Октябрининг 70 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этмоқда. Коллектив гидро, атом ва иссиқлик электр станциялари учун бир ойда плондаги 70 та ўрнига 80—90 тага етказиб бошқарув пультларини йиғмоқда.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) бригада бошлиғи Юрий Родионов, бригада аъзолари Александр Ковалев, Вячеслав Родионов ва Валерий Елистратовлар.

М. Нуриддинов фотоси.

Бошлиқни коллектив сайлади

«АвтоВАЗ» техник хизмат кўрсатиш Тошкент область марказини ким бошқаради? Бу ерда яқинда бўлиб ўтган сайловларда ана шу масала ҳал этилди. Янги сайланган директор ишни моҳирона ташкил этиши, натижада коллектив илғорлар сафига чиқиб олиши лозим эди. Бунинг учун ишнинг ҳадисини олган, коллективда суяги қотган тажрибали мутахассис керак. Сайловнинг биринчи босқичида 750 ишчи ўзининг 13 номзодини ана шу лавозимга тавсия этди. Унда энг кўп овозни автомарказ бош инженери Мардон Ҳакимов, директор ўринбосари Абдувосит Ҳошимов, техника назорати бўлими бошлиғи Анатолий Зубаревлар олишди. Учинчи тургача бош инженер М. Ҳакимов билан техника назорати бўлими бошлиғи А. Зубаревнинг номзоди қолди. 154 қатнашчи иштирокида бош инженер М. Ҳакимов 102 овоз тўплаб, техник марказ директорлигига сайланди.

Р. РАУПОВ,
«АвтоВАЗ» техник хизмат кўрсатиш Тошкент область маркази слесари.


50 ёшли маҳалла

Собир Раҳимов районидаги Бобур номли маҳалланинг ташкил этилганига 50 йил тўлди. Шу муносабат билан маҳаллада юбилей кечаси бўлиб ўтди. Кечада маҳалланинг партия ва меҳнат ветеранлари, 88 баҳорни қаршилаган Саидумархўжа Акбархўжаев бошлиқ пиру — бадавлат қариялари ва ёшлар қатнашишди.

Маҳалла комитетининг раиси Бекмурод Жўраев, активлардан Нурхон Рўзимуҳамедова, Акром Шокиров ва бошқалар сўзга чиқишиб, совет турмуш тарзи, янгича урф—одатлар, ёшлар тарбияси хусусида гапирдилар.

Б. НАГОВ.

Замондошимиз



Лойиҳа бош конструктори

Бу киши ғоятда камтарин. Дастлаб ўзи ҳақида ёзишимизга унамади ҳам: «Нима кераги бор, кўпчилик қатори ишлаяпмиз. Ўз бурчимни, ўз зиммамга юклатилган топшириқларни адо этяпман, холос», — деди. Бир қарашда у ҳамма қатори ишлаётгандек туюлса-да, унинг иши, корхона ҳаёти билан чуқурроқ таништирганда Юрий Петрович бошқа лойиҳа конструкторларидан масъулиятни чуқур ҳис этиши, ўзига ишониб топширилган иш учун ғоятда жонкуярлиги ва юқорида таъкидлаганимиздек, камтарлиги билан ажралиб туради.

Одатда, ижодкорлар ҳақида ёзиш қийин. Негаки, улар ўзларн янгилик кашф этганликларн учун ҳар бир нарсани ақл-идрок тарозусида ўлчаб кўришади.

Машҳур рус классик ёзувчиси А. П. Чехов, талантли кишилар ҳаммиша камтар ва камсуқум бўлишади. Фақат талантсиз кишиларгина ғўдайган бўладилар, деб таъкидлаган эди. Юрий Хабаровни ускуналарни қадоқлаш ва ўраш тажриба конструкторлик технологик бюросида шу камтар-камсуқумлиги ва ғоятда изланувчанлиги учун сидқидилдан ҳурмат қилишади.

Яна Чехов сўзларига мурожаат қилсак, мен бир пайтлар институтни тугатиб, кейинчалик ўз устида ишламай (ўқиб-ўрганмай) қўйган ўқитувчи ва инженерларга ачинаман, деган эди. Юрий Петрович эсини танибдики, конструктор. Ҳамиша давр билан баравар одим ташлади, замон талабларига жавоб берадиган чизмалар яратиш мақсадида ўз устида ишлади, ўқиб-ўрганди. Беруний номидаги Тошкент политехника институтини битиргандан буён орадан ўтган салкам чорак асрдан бери у мустақил ўқиб чиққан китобларнинг сон-саноғи йўқ... Ҳозир у мазкур бюронинг энг тажрибали, етакчи конструкторларидан биридир.

СУРАТДА: Ю. П. Хабаров.

Т. Каримов фотоси.

(Юрий Петрович Хабаров билан суҳбатни газетамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

Газетхон—газета—газетхон

«Оқшом»нинг сайёр редакцияси— Киров районида

Эртага, 24 июнь, чоршанба куни соат 17 дан то соат 19 га қадар Киров район Совети ижроия комитетида (1-қават, меҳнаткашларни қабул қиладиган хона) «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси раҳбарлари ҳамда ходимларининг Киров райони меҳнаткашлари ва аҳолиси билан учрашуви бўлади.

Маълумки, ана шундай хайрли ишга шу йилдан бошлаб Акмал Икромов районида бўлиб ўтган учрашув чоғида асос солинган эди. Киров районидаги учрашувдан сўнг эса сайёр редакция шаҳримизнинг бошқа ҳамма районларига ташриф буюради.

Сизни бугунги кунда қандай муаммолар ўйлантирмоқда, нуқсонларни бартараф этишга нималар халақит беряпти, Сизнинг назарингизда газета редакцияси аралашиши лозим бўлган яна қандай масалалар бор? Хуллас, бир сўз билан айтганда, биз ижтимоий аҳамиятга молик бўлган барча саволларни Киров район Совети ижроия комитетида бўладиган учрашув чоғида Сизлардан кутамиз. Сиз бундай учрашувнинг сиртқи қатнашчиси ҳам бўлишингиз мумкин. Бунинг учун 24 июнь куни соат 11 дан то соат 17 га қадар (тушки танаффус соат 13 дан соат 14 гача) 35-02-31 ва 34-13-14 рақамли телефонлари орқали қўнғироқ қилсангиз кифоя. Сиз кўтарадиган ижтимоий аҳамиятга молик масалалар, муаммолар ҳам учрашув чоғидаги муҳокаманинг мавзуи бўлиши мумкин. Редакция ходимларидан ташқари райондаги турли район хизматлари ва бўлинмаларининг раҳбарлари ҳам бу учрашувда иштирок этишади.

Учрашув «Оқшом» газеталари мухбирларининг корхоналар, ташкилотлар, ўқув муассасалари, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, маданият муассасалари, меҳнаткашларнинг оммавий дам олиш соатларини ўтказадиган жойларга ташриф буюришлари билан ҳамоҳанг бўлади. Газетанинг яқин сонларидан бирида эса сайёр редакциянинг пойтахтнинг Киров райони бўйича тўпланган материалларини эълон қилиш режасидамиз.

Яна бир бор Сизларга эслатиб ўтамиз: учрашув Киров район Совети ижроия комитетида 24 июнь куни соат 17 дан то соат 19 га қадар ўтказилади, унинг сиртқи қатнашчилари эса шу куни соат 11 дан то соат 17 га қадар 35-02-31 ва 34-13-14 рақамли телефонлари орқали қўнғироқ қилишлари мумкин.

Зарбдор вахтада

«Главташкентстрой»нинг 1-уйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш бошқармасининг Александр Кураков бошчилик қилаётган комплекс коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари бошқарма коллективлари ўртасида бошланган социалистик мусобақада пешқадам ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Бригада аъзолари ўтган беш ойлик якунига кўра ҳам биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Шу кунларда пешқадам уйсозлар Қизил Шарқ микрорайонида 72 оилага мўлжалланган кўпқаватли уй пойдеворини бунёд этишяпти. Коллективнинг барча 14 аъзоси ўз касбини пухта ўзлаштириб олган қурувчилар бўлиб, улар кунлик план-топшириқларини 115—120 процентга етказиб адо этишади.

Илғор коллектив Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги байрамини меҳнатда муносиб ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдириб ишламоқда.

М. ФЕЛЬДМАН.

Спорт майдонларида

Заболотновнинг уч зафари

Днепропетровск шаҳрида сузиш бўйича ўтказилаётган мамлакат чемпионатида ҳамшаҳримиз Сергей Заболотнов ажойиб натижалар кўрсатиб, мухлисларни хурсанд қилмоқда. У 50, 200 ва 100 метр масофага чалқанчасига сузишда маррага биринчи бўлиб келиб, мусобақа шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шунн ҳам айтиш керакки, қайд этилган натижалар тошкентлик спортчи йирик беллашувларга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрганлигидан далолат бермоқда.

Ҳамшаҳримиз кумуш медали

Москвада ўтказилган ҳамдўст армияларнинг шосседа велосипед пойгаси бўйича ўтказилган чемпионати якунланди. 150 километр масофага ўтказилган пойгада тошкентлик Жамолиддин Абдужабборов яхши қатнашди. У масофани уч соат 52 минут 10 секундда босиб ўтиб, биринчиликнинг кумуш медали билан тақдирланди.

Сафардаги мағлубият

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни Одесса шаҳрида маҳаллий «Черноморец» командаси билан ўтказиб, яна мағлубиятга учрадн. Мезбонларга ғалаба келтирган ягона тўпни тошкентликларнинг дарвозасига Шчербаков киритди. Бу турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Карпати» армия спорт клуби — «Помяр» (Душанбе) — 2:0, «Қғилья Советов» — «Кузбасс» — 1:0, «Геолог» — «Локомотив» 0:2, «Колос» — «Торпедо» 4:0, «Металлург» — «Динамо» (Ботуми) — 1:0.

«Пахтакор» ўз майдонидаги навбатдаги учрашувни 25 июнь куни ўтказади. Тошкентликлар мамлакат Кубоги учун ўтказилаётган бақс донрасида Жамбулнинг «Химик» командаси спортчиларн билан майдонда куч сннашадилар.

Телетайп лентасидан

● МАДРИД. Маълумотларга қараганда, террорчилик ҳаракати натижасида Барселонада 15 киши ҳалок бўлди, 38 киши жароҳатланди. «Имперкор» катта универмаги ер ости гаражида ичига портловчи модда тўлдирилган автомашинанинг портлашидан темир-бетон шип қулаб тушди, ёнида турган йигирмага яқин машина ёниб кетди. Харидорлар орасида ваҳима ва ур-сур бошланди.

Баскнар ЭТА террорчилик ҳаракати ташкилотининг ўз номини айтмаган вакили «Авун» маҳаллий газетаси редакциясини телефон орқали бўлажак ҳуруж ҳақида огоҳлантирган. Бироқ вақт ўтган эди: телефон қилингандан кейин беш минут ўтгач, портлаш овози эшитилди..

● НЬЮ-ЙОРК. Қувайт соҳиллари яқинида Либериянинг «Стена эксплорер» танкери минага дуч келиб, шикастланди. АП агентлигининг хабар қилишича, Қувайт нефтини ортган танкер қаттиқ шикастлангани йўқ, кўрикдан ўтказиш ва ремонт қилиш учун юк ортилган портга ўзи сузиб қайтиб кела олади. Форс кўрфазидаги кема қатнови хизмати маълумотларига қараганда, деб ёзади агентлик, Қувайтнинг Ал-Аҳмадий портидаги кемаларга нефть қуядиган терминалга борадиган сув йўлларини илгари Эрон Қувайтни айблаб миналаштирган эди.

● ЛОНДОН. Буюк Британияда телевизор экранларида зўравонлик ва шафқатсизлик тарғиб қилинадиган кинолар тобора кўп кўрсатилмоқда. Бу ҳақда жамоатчилик фикрини сўраб билиш чоғида телевизион эшиттиришлар режиссёрларнинг ҳар бештасидан учтаси гапирди. «Бродкаст» журналининг хабар қилишича, Англия телевидениесининг 400 ходимига савол берилган эди. Уларнинг ярмидан кўпи ҳозир телевизор экранларида шафқатсизликни пропаганда қилишга биринчи ўрин ажратилган, деб ҳисобламоқда.

Савол берилган кишиларнинг кўпчилиги зўравонлик фильмлари янада авж олиши йўлига самарали ғов солишга даъват этдилар.

● НЬЮ-ЙОРК. Ҳозир Нью-Йорк кўчаларидаги тунаш жойларида мактаб ёшидаги 12 мингдан зиёд бошпанасиз бола яшамоқда. Уларнинг асосий кўпчилиги учун мактабга бориш катта проблема, маълумот олиш эса амалга ошмайдиган орзудир. «Бизнинг назаримизда бир неча юз бола мактабларда умуман рўйхатга олинмаган,— деди Нью-Йорк маориф кенгашининг вакили Жилл Блэер «Ньюсдей» газетаси мухбирига. Яна бир неча минг бола мактабни мунтазам ўзгартириб ва энг кўп ҳолларда дарсларнинг ярмига қатнаб, ночор прогулчига айланган.

Штатлар маориф комиссиясининг бошлиғи Фрэнк Ньюмен Америкада қашшоқлашиш жараёни тезлашаётганлигини қайд этди. «Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, ҳаётда ўзлари учун ҳеч қандай истиқбол йўқлиги сабабли ўқиш бефойда эканини англаб, тобора кўпроқ болалар мактабни ташлаб кетмоқдалар», деди у.

● БОНН, Германия социал демократик партияси раисининг ўринбосари, Саар ўлкаси бош министри Оскар Лафонтен Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларда кескинликни юмшатиш сиёсатининг янги босқичини бошлашга даъват этди. У Франкфурт-Майн шаҳрида ГФР Евангелия черкови кунлари доирасида бўлиб ўтган қуролсизланиш проблемаларига бағишланган мунозараларда сўзга чиқиб, Совет Иттифоқининг ташқи сиёсий йўли халқаро вазиятни соғломлаштириш борасида очиб бераётган имкониятлардан фойдаланиш кераклигини айтди.

● ПАРИЖ. Франс Пресс агентлиги «Электрисите де Франс» компанияси вакилининг гапларига асосланиб, хабар қилишича, Жиронда департаментидаги Бро-э-сен-лун шаҳарчаси яқинидаги атом электр станциясининг биринчи блокида ёнғин чиққан. Ёнғинни ўчиришга муваффақ бўлинди. Реакторни ёқилғи билан заправка қилиш ва йиллик профилактика ишларини ўтказиш учун тўхтатиш чоғида шу ҳодиса юз берди. Маъмурларнинг айтишларича, «ёнғин ходимлар ва атроф муҳит хавфсизлиги учун ҳеч қандай оқибат келтириб чиқармаган».

(ТАСС).

ЛОЙИҲА БОШ КОНСТРУКТОРИ

— Юрий Петрович, мана ҳозир бутун мамлакатимизда жадаллаштириш ва қайта қуриш жараёни қизғин бораяпти. Айтингчи, қайта қуришни сиз ўз ишингизда қандай тушунасиз?

— Мураккаб савол бердингиз. Бунга дарров жавоб бериш қийин, албатта. Умуман бир нарсани сизга очиқ айтишим мумкин. Ижод соҳасида қайта қуришни баъзилар ҳозирги мавжуд анъаналарни бутунлай рад этиб, янгисини ўйлаб топиш, деб тушунишяпти, чамаси. Бундай фикрга қўшилиш қийин. Узимизда мавжуд бўлган энг яхши тажрибалар, анъаналарни ижодий давом эттириб, янада такомиллаштириб, жаҳон намуналари даражасига олиб чиқиш ҳақида гапирилса, бу бутунлай бошқа гап бўлур эди, албатта! Мен шунинг учун бу саволни сал бошқачароқ тарзда берган бўлардим: «Сиз ўз ишингизда жадаллаштиришни қандай тушунасиз?» Бизнинг олдимизда турган вазифа машиналарнинг техникавий даражасини оширишдир. Ҳозир сиз айтаётган жадалдаштириш шуни талаб қилади. Биз шундай ишлашимиз керакки, маҳсулотларимиз жаҳон намуналаридан қолишмасин.

— Бунинг учун инженер-конструкторларнинг қурби етадими? Улар онгини, фикрлаш тарзини қайта қуриш масаласига қандай қарайсиз?

— Уларнинг қурби ҳам, ақли ҳам етади. Аммо бир нарсани ошкора айтиш керак. Ўз олдимизга янги, катта, аниқ вазифа қўйган пайтимизда шу вазифани уддалай оламизми, йўқми — бутун гап шунда! Демак, фикрлашдаги қотиб қолган нарсаларга барҳам бериш, янги проблемалар моҳиятини чуқур ва равшан англаб олишимиз зарур. Бу барча инженер-техник ходимларнинг, конструкторларнинг эмас — каттаюкичик ҳамманинг олдида турган энг муҳим вазифа ҳисобланади.

— Шунга лаёқатли конструкторлар борми?

— Бор. Муассасамизнинг кўпчилик конструкторлари бунга лаёқатлидирлар. Масалан, 20 га яқин лойиҳа бош конструкторлари жаҳон намуналари даражасида маҳсулот беришлари мумкин. Бутун гап уларда ишчанлик кайфиятини, ошкоралик ва ўзига ҳамда бошқаларга талабчанлик, юксак ахлоқий фазилатларни янада қарор топтириш, камчиликларга эса шафқатсиз бўлишларида қолган. Масалан мен Игорь Леонидович Шапошников, Леонид Яковлевич Кличко ва бошқаларни ана шундай конструкторлардан деб биламан.

— Лойиҳа бош конструктори учун энг зарур хислат нима?

— Биринчидан, ўз ишини чуқур билиш, яъни билимдонлик, иккинчидан эса жаҳон миқёсида ўзи ишлаб чиқараётган барча ана шундай машиналар аҳволидан хабардор бўлишдир. Яъни биз чет элларда энг яхши машиналар қандай ишлаётганлигидан тўла хабардор бўлишимиз, уларнинг нуқсонларини нимадан иборат эканлигини аниқлашимиз ва ўзимизда жаҳоннинг энг яхши намуналари даражасидаги машиналарни тайёрлашимиз зарур. Машиналар унуми ва сифатини ошириш — бу доимий талаб. Бусиз биз ўз харидорларимизни йўқотамиз. Ҳамиша тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини ошириш масаласи кескин қўйиб келинган. Корхона маркаси шарафи учун ҳар бир яратувчида масъулият ҳиссини ошириш — анча мураккаб масала. Бу ўз ичига жуда кўп омилларни олади.

— Мана, ҳозир демократлаштириш ва кенг ошкоралик даври. Сизларда ҳам раҳбарларни сайлашга эътибор бериляптими?

— Ҳа, эътибор бериляпти. Кўп нарса иш унуми ва сифати устидан тегишлича назорат ўрнатишга боғлиқ, албатта. Сир эмас, ўз ишига сидқидилдан муносабатда бўлмайдиганлар ҳам топилади. Одатда, брак маҳсулотлар ана шуларнинг қўли билан «яратилади». Ҳар бир ана шундай ҳоллар сабаби билан қизиқсангиз, уқувсизликни, эҳтиётсизликни, талабчанлик, масъулият бўшашганлигини, хўжасизликни ва ҳоказо салбий иллатларни кўрасиз. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда коллективнинг ҳар бир аъзоси масъулиятини ошириш энг муҳим масаладир. Бунда эса коллективда тегишлича тартиб — интизом ўрнатиш, ҳар қандай бўшашувчанликка нисбатан муросасизлик вазиятини яратиш биринчи галда раҳбарга боғлиқ. У нуқсонларнинг сабабларини оча билиши ва айбдорлардан қаттиқ туриб талаб эта билиши керак. Бизда ҳар бир раҳбар кенг муҳокамадан ўтказиляпти. Уларга коллектив характеристика бермоқда. Унда биринчи галда унинг шу лавозимга лаёқатлими, йўқми, бу ошкора айтилмоқда. Масалан, бош инженер Олег Иванович Третьяков, ишлаб чиқариш бошлиғи Виктор Дмитриевич Жигалинлар муҳокама этилди.

— Мана сиз ускуналарни қадоқлаш ва ўраш тажриба-конструкторлик технологик бюросининг лойиҳа бош конструктори сифатида ўн беш йилдан буён ишлаб келяпсиз. Умуман бу ерда конструкторлик қилаётганингизга эса чорак аср бўлибди. Айтингчи, мана шу давр ичида сизнинг кўз ўнгингизда қандай ўзгаришлар рўй берди?

— Бюро кенгайди, янада қудратлироқ бўлиб қолди. Агар аввалларида бизда биттагина экспериментал цех мавжуд бўлган бўлса, эндиликда иккита экспериментал цехга эгамиз. Шу йил охиригача 3-экспериментал цехимиз ҳам фойдаланишга топширилади. Кўриниб турибдики, ўзгариш бор...

— Одатда, ютуқлар ўзимизники, дейишади. Партия XXVII съездида жамиятимизни янада ривожлантиришнинг туб масалалари кўриб чиқилганда бу катта тарихий бурилиш даврида ўтмиш хатоларини такрорламаслик, улардан сабоқ олиш яъни жамиятимизни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш ҳақида жиддий гап борди. Айтингчи, сиз ишлаётган ташкилотда ўтмишдан қандай хулосалар қилиндими — қандай сабоқлар олинди?

— Энг катта хулоса шундан иборат бўлдики, биз меҳнат унумдорлигини оширишга нималар тўсқинлик қилиб келганлигининг сабабларини очиб ташладик. Сир эмас, кўпгина конструкторларимиз бундан 50 йил муқаддам қандай ишлаб келган бўлсалар, ҳозир ҳам шундай ишлайверамиз, деб бамайлихотирликка берилганлар. Қандай муҳим вазифалар қўйилмасин, улар ўз иш усулларини қайта қурмаганлар. Кўп нарсалар меҳнат коллективларининг фикрини ҳисобга олмасдан туриб ҳал этиб юборавериларган. Лоқайдлик, хотиржамлик, нуқсонлар билан муроса қилиш эса олға томон шиддатли ҳаракат қилиш, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўпроқ натижаларга эришиш хусусиятини йўқотиб қўйган. Айрим конструкторлар ишидаги нуқсонлар аниқланса, бу гўё ўша конструктор ишлаётган бўлим раҳбарининг обрўсини тушириш, деб баҳоланган. Камчилик ва нуқсонлар ҳақида гапирилса, бу бутун коллектив муваффақиятига доғ туширади, деб ҳисобланган. Мана шу тарзда етилиб келаётган жиддий масалаларни ҳал этиш орқага ташланаверган. Ютуқларни кўз-кўз қилиш кўп йиллар бир жойда турғун депсиниб туришга олиб келган.

Энди эса бундай ишлаш мутлақо мумкин эмас. Эндиликда партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари талаблари асосида ҳар бир конструктор, инженер ўз тажрибаси, куч ва ғайрати, билимни тўла ишга солиши, юқорида қайд қилиб ўтилган барча нуқсонларга дадил ўт очиши, кечаги кунга қараб эмас, келажакка қараб ўз ишини режалаштириши барчага аён.

— Ҳозир конкрет қандай янгича иш тутяпсизлар?

— Конструкторлар ва инженерлар меҳнатини механизациялаштириш ва автоматлаштириш йўлини тутяпмиз. Бу жуда муҳим масала. Ўтган йили янги бўлим ташкил этилди. Бу бўлим электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида конструкторлар меҳнатини механизациялаштириш ва автоматлаштириш ишлари билан шуғулланмоқда. Бу биринчидан меҳнат унумдорлигини оширишга катта ёрдам беряпти. Бизнинг ишимизда бусиз бир қадам ҳам олға силжиб бўлмайди. Ишларни автоматлаштириш ва механизациялаш эса муайян даражада иш сифатини оширишга, янгиликлар яратиш борасида жиддий изланишларга ёрдам беряпти.

— Энди ўз шахсингизга доир бир-икки савол бермоқчиман. Болалик ва ёшлик йилларингиз қаерда ўтгани қизиқтиряпти.

— Мен 50-йилларда Қозоғистоннинг Олмаота шаҳридан ота-онам билан Тошкентга келганман. Бу ажойиб шаҳардаги 48-мактабни муваффақиятли битирдим. Шундан сўнг, Беруний номидаги Тошкент политехника институтига ўқишга кирдим. Унинг механика факультетини битиргандан сўнг шу ташкилотда ишлаб келаяпман... Кам бўлганим йўқ. Оддий конструкторликдан лойиҳа бош конструктори бўлдим. Озми-кўпми қилган ишларим учун «Шавкатли меҳнат учун» медалини олишга муяссар бўлдим. Ташкилотимизнинг халқ контроли группасига аъзоман. Коммунистик меҳнат зарбдори, деб ҳурмат қилишади. Ҳа, айтгандай, химия саноати аълочиси нишонини ҳам олганман.

— Конструктор сифатида чет элларда бўлганмисиз?

— Ҳа, Германия Демократик Республикасида, Чехословакияда лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда қатнашганман.

— Ишдан бўлак нималарга қизиқасиз?

— Бадиий асарларга ва албатта телевизорга...

— Келажакдаги орзуларингиз?

— Қани энди ҳамма машиналаримиз ҳам жаҳон намуналари даражасида бўлса!

Суҳбатни
Ҳ. ИКРОМОВ
олиб борди.



Тайёр маҳсулотларни жўнатиш участкасида «Компрессор» заводидаги энг қизғин жараён амалга оширилади. Шу жиҳатдан ҳам бу ердаги ишчиларнинг меҳнати анча масъулиятлидир. Улар доимо буни чуқур ҳис этадилар. Белгиланган топшириқларни беками кўст бажариш учун куч-ғайратларини аяшмайди. Айниқса, кўтарма кран ва тепловоз машинистлари А. Алибоев, Б. Толипов ва В. Ивановлар бу борада алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда. Улар техника қувватидан самарали фойдаланиб, контейнерларни белгиланган вақтида жўнатилишини мунтазам таъминлаб туришибди.

СУРАТДА: меҳнат илғорлари А. Алибоев, Б. Толипов ва В. Иванов ўзаро суҳбатда.

М. Нуриддинов фотолари.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Тикувчилик цехини чинакамига чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўзгуси дейиш мумкин. Чунки бу ерда хом ашё маҳсулотга айлантирилиб, савдо пештахталарига жўнатиладиган. Корхона чеварлари юбилей йилида катта мақсадни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Барча иқтисодий техник кўрсаткичлар бўйича зиммага олинган топшириқларни тўлиқ бажарилиши учун ҳамма резерв ва ички имкониятларни ишга солишаётир.

Яқинда цех чеварлари коммунистик меҳнат зарбдори Роҳат Самиғовани эришган ажойиб ютуғи билан қизғин қутладилар. Бу моҳир тикувчи амалдаги беш йиллик бошидан буён зарбдорчасига меҳнат қилиб, юқори натижаларга эришмоқда. Унинг ҳисобида 1988 йилнинг бошланганлиги ҳам ана шу фидокорона меҳнатнинг мевасидир. Цехда бундай жонкуяр ишчилар кўп. Уларнинг аксари бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ҳаракатига қўшилишган. Зоя Радаева ва Марина Юсуповаларнинг номлари нафақат цехда, балки бирлашмада ҳам фахр билан тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Икки мусобақадош ҳамкасб бундан йигирма йил аввал Роҳат Самиғова билан биргаликда цехда иш бошлашган эди. Улар айни пайтда ҳам илғорликка қадамни баравариға қўйишмоқда. Топшириқларни муntазам ошириб бажариш ҳисобига айни кунларда 1988 йилнинг дастлабки квартали ҳисобига маҳсулот тайёрлашаётир. Цех ишчилари эришаётган муваффақиятларда ўзаро социалистик мусобақанинг роли муҳим бўлмоқда. Унинг тикувчилар ўртасида кенг авж олдирилганлиги туфайли ойлик планларнинг мунтазам ортиғи билан бажарилишига эришилаётир.

Бирлашма чеварлари юбилей йилида ўнлаб хил маҳсулот ишлаб чиқаришни кўзлаб кўйишган. Шунинг аксари қисми 9-тикувчилик цехида тайёрланади. Бўлим чеварлари олдиларида турган ишчанлиги масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан унумлироқ меҳнат қилиш учун астойдил курашишмоқда. Уларнинг аҳди—юбилей йили мусобақаси илғорлари сафида бўлишдир. Бу катта мақсадга эришишга тикувчилар фидокорона меҳнатлари эвазига мушарраф бўлмоқдалар. Ҳозирги кунда цех бирлашма бўлинмалари ўртасидаги социалистик мусобақада илғорлик қилмоқда.

У. МУҲАМЕДОВ.



«Геологоразведка» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли тажриба-механика заводининг ишчан коллективи юбилей йилида ҳар қачонгидан ҳам самарали меҳнат қилиб, кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлаш учун зарбдорчасига одимламоқда. Натижада ойлик план-топшириқлар бу ерда донмо муваффақиятли адо этилаётир.

СУРАТДА: коллектив аъзолари Б. Ли ва С. Қосимхўжаевлар.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ПРАГА. Кейинги йилларда молларнинг Чехословакия магазинларига етиб бориш йўли кескин қисқарди. Ҳозир ички бозорга аталган бутун маҳсулотнинг 43 процентчаси омборларни четлаб ўтиб, магазинларнинг ўзига етказиб берилмоқда. Ўтган беш йилликда фабрикадан тўппа-тўғри магазинларга мол юбориш 16 процент кўпайди. Маҳсулот етказиб бериш системасини майда-чуйдасигача ўйлаб чиқилган қайта қуриш ишлаб чиқарувчи билан савдо тармоқлари ўртасидаги яқин ҳамкорлик шаклларини жорий этишга ёрдам берди. Магазинлар, йирик савдо марказлари корхоналар, қишлоқ хўжалик кооперативлари билан бевосита алоқа ўрнатиб, улардан хўжалик шартномалари асосида маҳсулот олиб турибди.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, нон-булка, қанд, чанқобсди ичимликлар, балиқ, сабзавот ва хўл мева каби озиқ-овқат моллари харидорга энг қисқа йўл билан етказиб берилмоқда. Қарийб ҳар бир магазинда бу маҳсулотларни кимлар ҳаердан етказиб бераётганлигини ўқиб олиш мумкин. Ҳозир эртаги сабзавот ва хўл мева етилган пайти. Кўпгина магазинлар боғбонларга мурожаат этиб, ортиқча ҳосилини топширишларини сўради. Томорқа эгалари билан шартнома тузиш системаси магазинлар, шунингдек боғбонлар учун қулай шартлар билан ишлаб чиқилди. Бундан харидорлар ҳам мамнундирлар, албатта: помидор, ошқўк, гилос, қулупнай сотиляпти.

* * *

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Бриэила шаҳрида автомобиль, мотоцикл, велосипед, шунингдек, спорт туристик анжомлари сотадиган катта савдо комплекси очилди. У катталиги ва товар оборотни жиҳатидан мамлакатда Бухарест ва Питештидаги ихтисослашган магазинлардан кейин учинчи ўринда туради. Янги комплексда автомобиль ва автотранспорт техникасига хизмат қиладиган махсус бино ва устахоналар кўзда тутилган, малакали мутахассислар ишлаб турибди. Савдо комплекси Руминиядаги 8 уезддан келувчи харидорларга хизмат қилади.

СОБИҚ ЯДРО ПОЛИГОНИ

ЛОНДОН. Англия ва Австралия ҳарбийлари ҳамда олимлари Австралиянинг Маралинг деган жойида — Буюк Британия 50—60 йилларда ядро синовларини ўтказган собиқ полигонда бўлдилар.

Сафар чоғида ушбу районда одам яшаш имкониятларини аниқлаш мақсадида юзлаб квадрат километр майдондаги тупроқ махсус датчиклар ёрдамида текшириб чиқилди. Аммо мутахассислар қўйган «диагноз» бир хил бўлди: ўн йиллардан кейин ҳам собиқ полигон территорияси ҳамон радиактивлигича қолмоқда. Чунончи радиактивлик даражаси одам учун йўл қўйиш мумкин бўлган нормадан кўп марта ортади.

Тадқиқот якунлари Австралия ҳукуматига зарба бўлиб тушди. Ҳукумат бу районга мамлакатнинг туб аҳолисини жойлаштирмоқчи эди. Энди бўлса у шу ниятидан воз кечишга мажбурдир. Бултур Австралия ҳукумати Британияни шу территориянинг дезактивация қилиш юзасидан зиммасидаги мажбуриятларини соқит этганди. Аммо эндиликда, деб ёзади «Дейли телеграф» газетаси, у Лондондан ҳамма зарур ишларни қилиб беришни талаб этиши мукин. Бу ишларнинг қиммати тахминан 120 миллион фунт-стерлингга боради.

ЭРОН—ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД. Ироқнинг пиёда қисмлари фронтнинг шимолий участкасидаги чегара районларининг бирида Эроннинг тунда қилган ҳужумини танклар ва артиллерия мададида даф этиб, душманга каттагина талафот етказдилар, деб хабар қилди бош ҳарбий қўмондонлик. Артиллериянинг ҳаракатлари натижасида бешта ўқ-дори омбори, бир неча бронетранспортёр ва ўт очиш позициялари яксон қилинди. Ҳарбий-ҳаво кучларининг вертолётлари фронт линияси бўйлаб 28 марта жанговар учиш қилди. Эроннинг ҳарбий катерлари Ироқ соҳили яқинида денгиздан нефть қазиб олувчи махсус платформасига ҳужум қилишга бехуда уринди. Эроннинг узоққа отадиган артиллерияси Абу-Ал-Ҳасиб аҳоли пунктини ўққа тутди.

НИКОСИЯ. ИРНА агентлигининг хабар беришича, ўтган кун фронтнинг марказий ва жанубий участкаларида артиллерия актив ҳаракат қилган. Ироқнинг 150 нафардан кўп солдати ўлдирилган ва яраdор қилинган, 30 дан зиёд ўт очиш позициялари ва 8 ўқ-дори омбори яксон этилган. Басра — Абу Ал-Ҳасиб районида душман қўшинларининг силжиши барбод этилган. Сердашт районида Ироқ авиациясининг Эрон осмонига бостириб киришга уринишларини Эрон ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари барбод этган. Ҳўрмуз бўғозида икки чет эл кемаси қўшимча текширувдан ўтказиш учун ушланган.

ҚИТЪАЛАРДАН ХАБАРЛАР

МАДРИД. Сўнгги маълумотларга қараганда, кечаги террорчилик ҳаракати натижасида Барселонада 15 киши ҳалок бўлди, 38 киши жароҳатланди. «Империкор» катта универмаги ер ости гаражида ичига портловчи модда тўлдирилган автомашинанинг портлашидан темир-бетон шип қулаб тушди, ёнида турган йигирмага яқин машина ёниб кетди. Харидорлар орасида ваҳима ва ур-сур бошланди.

Басклар ЭТА террорчилик ҳаракати ташкилотининг ўз номини айтмаган вакили «Авуи» маҳаллий газетаси редакциясини телефон орқали бўлажак ҳуруж ҳақида огоҳлантирган. Бироқ вақт ўтган эди: телефон қилингандан кейин беш минут ўтгач, портлаш овози эшитилди.

* * *

НЬЮ-ИОРК. Қувайт соҳиллари яқинида Либериянинг «Стена эксплорер» танкери минага дуч келиб, шикастланди. АП агентлигининг хабар қилишича, Қувайт нефтини ортган танк қаттиқ шикастлангани йўқ, кўрикдан ўтказиш ва ремонт қилиш учун юк ортилган портга ўзи сузиб қайтиб кела олади.

РАҲБАРЛАР САЙЛАНДИ

ХАНОЙ. ВСР Миллат мажлисининг Вьетнам пойтахтида ўтаётган навбатдаги сессиясида республика олий ҳокимият органларига сайлов бўлди. ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Во Ти Конг ВСР Давлат кенгашининг Раиси этиб сайланди.

Министрлар Советининг янги состави тузилди. ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Фам Хунг ВСР Министрлар Совети Раислигига сайланди. ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР Министрлар Советининг ўринбосари Нгуен Ко Тхать яна ташқи ишлар министри этиб тайинланди, ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Ле Дик Ань миллий мудофаа министри этиб тайинланди.

ВКП Марказий Комитетининг аъзоси Ле Куанг Дао ВСР миллат мажлисининг Раиси қилиб сайланди.

ҚИММАТЛИ ТОПИЛДИҚ

Тамиль университети сувости археологияси маркази ходимларининг омади келди. Улар Ҳиндистоннинг Тамилнаду штатини Шри-Ланка оролидан ажратиб турувчи Полк кўрфази тубидан уч метрли тош лангар топиб олдилар. Лангар сув остидан кўтариб чиқарилди. У эҳтимол шу ерда чўкиб кетган қадимги Миср кемасининг лангари бўлса керак. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда бундан қарийб уч минг йил аввал ясалган лангарнинг вазни бир тоннага яқин.

ШПАРГАЛКА БЎЛИБ ҚОЛДИ...

Чет тилини ўрганаётганларга доимо луғат керак бўлади. Гонконг фирмаларидан бири антиқа қўл соатини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу соатда митти-компьютер ўрнатилади. Унда инглиз-япон ёки инглиз-хитой тилларининг бир ярим мингдан зиёд сўзлари жамланади. Унчалик кўп бўлмаса ҳам, бироқ жуда қулай.

Ихтирочиларнинг ҳисоб-китоблари тўғри чиқди: ҳозирда компьютер кўпгина харидорларнинг эҳтиёжини қондирмоқда. Қизиқ ҳол, биринчи харидорлар бўлмиш студентлар бу ажойиб соатни харид қилишгач, ундан шпаргалка сифатида фойдаланишмоқда Эндиликда имтиҳон бошланишидан аввал ўқитувчилар студентлардан соатни қандай маркада эканлигини текширишмоқда.

Калейдоскоп

ЛОҚАЙДЛИК ГИРДОБИДА

Илгариги мавзуга қайтамиз

Эрталаб ҳамма ишга шошади. Бекатлар йўловчилар билан гавжумлашади. Бундай пайтда шаҳар транспортига бир амаллаб чиқиб, манзилга етиб олиш муҳим ҳаётий масалага айланади. Транспорт можароси билан боғлиқ муаммо-камчиликлар аслида анча сийқаси чиққан, эски гап. Аммо ҳамонки айрим жойларда муаммо муаммолигича қолаётган экан, эски гапга қайтишга мажбурмиз.

...Қорасув массивининг милиция мактаби рўпарасидаги бекат. Йўловчилар гавжум. Қизиғи шундаки, вақт эрталаб эмас, соат ўн бирлар чамаси. У ерда ён қўшнимга кўзим тушди. Асабий, ковоғи солиқ.

— Ҳа қўшни, автобус йўқми? — деб сўрадим ҳамдардлик билан.

— Йўқ! Кутаётганимга роса қирқ минут бўлди, қани қорасини кўрсатса! — дея хасратини тўкиб солди у.

— Ҳмм, — дедим бўшашибгина. Ўзимнинг тобим йўқроқ, поликлиникага боришим керак эди. Қўшнимга ўхшаб қирқ минут кутишга сабр-тоқатим етармикин? Бекатда ўтириб нафас ростлайдиган скамейка ҳам, ёғинсочиндан сақланадиган соябон-айвон ҳам йўқ.

Шу маҳал узоқдан автобус кўринди. Одамлар бўлажак «штурм»га шайланиб, безовталанишди. Аммо автобус тўхтамай ўтиб кетди. Эшик тирқишларидан қисилиб қолган кийим-кечаклар, сумкалар кўриниб қолди. Кимдир ҳуштак чалди, бошқа биров автобус ҳайдовчисидан ўпкалаган бўлди.

Кейинги автобус бекатдан анча нарига бориб тўхтади. Айрим йўловчилар (буларнинг орасида болали аёллар билан кексалар ҳам бор эди) автобус билан орқама-орқа ҳансираб югуриб боришди...

Нақадар таниш ва нақадар аянчли манзара!..

— Мана физкультура! — деди кимдир киноя қилиб.

— Бунақада ҳаммамиз спортчи бўлиб кетамиз! — дея қўшимча қилди бошқа йўловчи.

— Менга қаранг! — деди қўшним кўзимга тикилиб. — Шуни бир ёзсангиз бўлмайдими? Керак бўлса ҳаммамиз, бутун массив аҳли имзо қўйиб берамиз. Ахир қачонгача чидаймиз! Шаҳар бедарвоза эмасдир. Ёзинг!

— Ёзишқу, қочмайди-я, — дедим чайналиб, — аммо натижа чиқармикин?..

Бундай тушкун мулоҳаза юритишим бежиз эмас эди. Қўни-қўшнилар биргалашиб Қорасув массивидаги муаммо-камчиликлар ҳақида «Тошкент оқшоми» газетасининг 1986 йил 14 июль сонида батафсил ёзган эдик. Унда массивдаги маданий-маиший ва бошқа зарур объектлар қуришга етарли аҳамият берилмаётгани, шунда катта турар жой масканида кинотеатр, маданий-оқартув ўчоқларининг йўқлиги, мавжуд поликлиника ва бозор кўпминг сонли аҳоли учун кичиклик қилаётгани, буларнинг ҳаммаси меҳнаткашлар учун муайян қийинчиликлар туғдираётгани айтилган. Шунингдек, Қорасув анҳорининг милиция мактаби рўпарасида ёйиниб оқадиган ўзани — табиий дам олиш жойининг қаровсизлиги, соҳил ва сув сатҳининг ҳар хил ўт-ўланлар, чиқинди ва оқиндилардан ахлатхонага айланиб қолганлиги, йўл ёқаларидаги дов-дарахтларнинг парвариш кўнгилдагидек эмаслиги афсус билан таъкидланган.

Хўш, юқоридаги камчиликлар бартараф этилдими? Яна афсус-ачиниш билан қайд қилишга тўғри келади: мутлақо бартараф этилмади! Масалан, Қорасув сатҳидаги ахлатлар янада кўпайди, соҳилнинг айрим жойлари ковланиб тупроқдан ўнқир-чўнқир бўлиб қолди; тиконлар ўсиб, одам бўйига етди. Ҳуллас, соҳил баттар хунуклашди. Бу жойда болаларнинг ўйнаши у ёқда турсин, юриши ҳам хавфли. Қайтанга шундоқ ёнбошдаги гараж кенгайиб, бусиз ҳам торайиб қолган соҳилга бостириб келяпти. Ҳатто, сурбетлик, инсофсизлик шу даражага етдики, анҳор қирғоқларига тош-шағал тўкиб, нақ сувнинг устига гараж қуриб олаётган устамонлар пайдо бўлди! Уларнинг танобини ким тортаркин? Ҳуллас, айтаверсак гап кўп... Транспорт можароси ҳам бу ердаги ана шундай ташвишли ҳолларнинг биридир. Уларнинг кўпчилиги 63-автобусга илҳақ бўладилар. Чунки массивни метро, шаҳар билан боғлайдиган асосий восита шу автобус. Аммо унинг аҳволи ҳалигидай...

Бекатда осиғлиқ турган темир кўрсаткичда 63-автобус эрталаб соат 6 да ишга бошлаб, 7 дан 10 гача ҳар 4 минутда, 10 дан 16 гача ҳар 8 минутда, 16 дан 20 гача ҳар 8 минутда юриши, охиргиси эса 00.43 минутда бўлиши лозимлиги лўнда қилиб ёзиб қўйилган. Энди, автобус вақтида юрмаган маҳал жиғибийрон бўлган йўловчиларнинг кўзига халиги хўжакўрсинга ёзилган кўрсаткич қандай кўринниш, уларнинг кўнглидан қандай гаплар ўтишини тасаввур қилиш қийин эмас. Гўё бу ёзув иш билан сўз бирлигини эмас, балки унинг аксини намойиш қилиш, одамларнинг асабига тегиш учунгина осиб қўйилгандек!..

Мен баҳоли қудрат бу масала билан қизиқиб кўрдим. М. Горький номидаги майдон бекатида жойлашган диспетчердан автобусларнинг яхши юрмаётгани сабабини сўрадим. Ажабо, диспетчер рўй-рост кўрниб турган фактни тан олгиси келмади, ҳатто график бўйича қанча автобус юриши лозиму ҳозир қанчаси ишлаётганини ҳам айтмади.

Қизиқ, бу ортиқча эҳтиёткорликдан мурод нима экан?

Ноилож 2519-автоколоннага қарашли 64 ТНЛ 65 номерли 63-автобус ҳайдовчисини суҳбатга тортдим. Қорачадан келган, истараси иссиққина йигит очиқ чеҳра билан кўнглидагини айтди-қўйди.

— Асосий сабаб — ГАИ ходимлари кўпгина автобусларнинг линияга чиқишига рухсат бермаяпти.

— Нега?

— Ҳар хил кам-кўстлари бўлгани учун-да.

— Лекин йўловчиларда айб нима? Уларга сабаб, важ-корсон эмас, автобус керак.

— Гапингиз тўғри, ака. Биз ҳам қийналиб кетдик. График бўйича 12 та автобус юриши керак. Бугун 5 та автобус ишга чиқди, шуниям иккитаси ҳар хил сабабга кўра ишламаяпти. Бунақада иш бўлмайдида!

Тўғри, бунақада иш бўлмайди!

Қорасув массиви шаҳримизнинг аҳоли зич жойлашган зоналаридан бири. Бу ерда транспорт ишини кескин яхшилаш, улар устидан назоратни кучайтириш лозим. Шунингдек, массивда янги автобус маршрути, троллейбус линияси очиш фурсати аллақачон келган. Массивни вокзал ва аэропорт билан боғлайдиган транспорт воситаси ҳам жуда зарур. Шунингдек, 21 ва 73-автобусларни массив оралаб юришини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. 73-автобус нон дўконининг ёнидан бурилиб кетади. «Қорасув-2» да истиқомат қиладиганлар Луначарский бозорига яёв боришга ёки икки-уч бекат нарига бориб, автобусга ўтиришга мажбур бўлмоқда. Тўғри, пиёда юриш соғлиққа фойда, аммо қари-қартанглар, соғлиги ночорлар нима қилсин?

Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон керак деган нақл бор. Одам товуқ эмас. Унга доимий эътибор-ғамхўрлик ҳам керак.

Ш. ОТАБОЕВ,
СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

Фан оламида нима гап?

АФСОНАГА АЙЛАНГАН МАЪДАН

Инсоният тарихида афсона-ю, мўъжиза бўлган бир металл бор. Буни шундай ифодаласак бўлади. Кунларнинг бир кунида, ажойиб эрта наҳорда сиз темирни ер юзида бутунлай йўқ бўлиб қолди, деб тасаввур қилинг. Шунда бутунлай ҳаёт тўхтагандек туюлиб кетади. Аввалам бор яшаб турган уйингиздаги темир зотидан ишланган нарсалар бўлмагандан кейин хонадонингиздаги каравотлар, шифонерлар, тунука томлар-у, кўчадаги рельслару, поездлар, трамвайлар, троллейбуслар, автомашиналар, ишкомлар, темир тўсиқлар, кўприклар—эҳ-э, сон-саноғи йўқ нарсалар! Борингки, инсоннинг ўзи ҳам танасидаги 3 грамм темирдан айрилгандан кейин бу ёғи нима бўлади!

Темирнинг инсон учун аҳамияти жуда катта, организм темирсиз нафас ололмайди. Упканинг нозик капиллярларида қоннинг гемоглобин ҳаво кислородини бириктириб, организмнинг барча аъзоларига тарқатади. Одам организми темирни овқат орқали олади. Организмдаги темирнинг 70 процентига яқини гемоглобинда бўлади. Темирнинг асосий физиологик аҳамияти шундаки, у қон яратилиш жараёнида қатнашади.

Организмда темир етишмаслиги анемия — камқонликка олиб келиши мумкин. Темир организмда тўпланиши [депонирланиш] хусусиятига эга. Организмда темир ҳаракати темирнинг нишонланган атомлари — темир изотопларн ворситаси билан бир мунча мукаммал текширилган.

Темир ўсимликларга кўк берувчи хлорофилл таркибига кирмаса-да, хлорофилл ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга. Ахир темир етишмаса ўсимлик яхши ўсмайди ва сарғаяди, бу ҳодиса хлороз касаллиги деб аталади.

Темир инсонга қадимдан маълум элемент бўлиб, эрамиздан аввалги икки мингинчи йиллар охирида ундан фойдаланилган. Метеорит темирдан эса одамлар ибтидоий даврлардан бошлаб фойдаланганлар [ерга ҳар суткада жуда кўп метеорит тушиб туради].

Темир табиатда эркин ҳолда жуда кам учрайди. Унинг муҳим рудалари қизил темиртош [гематит], қўнғир темиртош [гидрогематит]лар, лимонит, гетит, темир колчедани, булардан ташқари бир неча бирикмалари бор.

Соф темир жуда юмшоқ, кўп соҳаларда ишлатиб бўлмайди, мустаҳкамлиги паст даражада бўлади. Буни қарангки, соф темирга оғирлигига нисбатан 0,2 процент углерод қўшиш билан темир ўзини бутунлай бошқача хусусияти билан намоён қилади — ўзгаради-қолади. Буни бамисоли инсон қонига 0,2 процент алкоголь таъсир қилганга қиёс қилса бўлади. Инсон ҳам алкоголь таъсирида бутунлай бошқача бўлиб қолади, аввалгига қувноқ, бардам бўлиб, ҳазил-мутойибалар қилиб турган одам алкоголь миқдори қонда ошиб борган сари характерини бутунлай ўзгартириб юборади.

Таркибида 1,7 процентгача углерод бўлган темир пўлат деб аталади. Таркибида углерод 0,2 процентдан кам бўлган пўлат юмшоқ пўлат деб ёки тўғридан-тўғри темир деб аталади. Бундай пўлат яхши яссиланади ва чўзилади. Ундан тунука, сим ва михлар тайёрланади. Пўлатга турли элементлар, асосан турли металлар қўшиш йўли билан ҳар хил нав пўлатлар тайёрланади.

Темир ва пўлат ҳақида жуда кўп афсона ва ривоятлар бор. Қадим замонда Шарқ мамлакатларининг бирида, бир одам дўстига яхши бир пичоқ ясаб беришни илтимос қилади. Албатта, пичоқ ясовчи уста дўстини яхши кўрганлиги учун унга ҳеч кимга ясамаган пичоқни тақдим этмоқчи бўлади. Бир ойдан сўнг пичоқ ясовчи устага дўсти келиб, тайёр бўлган бўлса пичоқни беринг, дейди. Уста пичоқ ҳали тайёр эмаслигини айтади. Хуллаки, охир-оқибатда пичоқ бир йилда тайёр бўлади. Бир йилдан сўнг уста пичоқни дўстига катта анҳор устига қурилган чойхонада тантана билан топширади. Дўсти пичоқни олиб, айлантириб кўриб: «Э, уста, бир йилда тайёрланган пичоқ шу бўлдими», деб унга таъна қилади. Устага бу гап оғир ботади ва у чойхоначидан оташкуракни олиб келиб беришларини сўрайди. Уста оташкуракни кўлига олиб, ўзи бир йил давомида ясалган пичоқ билан оташкуракни кесиб бўлак-бўлакларга ажратади-да, пичоқни жаҳл билан анҳорга ташлаб юборади. Албатта, бу ерда темирга бир йил давомида ишлов бериб, уни тоблаш устида гап кетаяпти. Уста бир йил давомда пичоққа ишлатилган темирни тоблаб суғориб, жуда меъёрига етказган, албатта.

Ҳозирги пайтда инсониятнинг темирга бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ошиб бормоқда. Ҳақиқатан ҳам илмий-техникавий тараққиётни темирсиз ва пўлатсиз тасаввур қилиш қийин. Агар 1800 йилда жаҳонда 100 минг тонна пўлат ишлаб чиқарилган бўлса, 1900 йилга келиб у 7 миллион тоннага етди, 1985 йилга келиб, экспертларнинг текширишича, миллиард тоннадан ошиб кетди.

Пўлатга пухта физик ва механик хоссалар бериш, масалан, уни эластик, қаттиқ ва мустаҳкам қилиш учун у турли термик ва химиявий йўллар билан ишланди. Пўлатни юмшатиш, бу процесс пўлатнинг таркибига қараб, уни 900—1000 даражагача қиздириш, сўнгра жуда секин совутишдан иборат. Бунда пўлатнинг тузилиши ва механик хоссалари яхшиланиб, эластик ва чўзилувчан бўлади.

Темир қотишмаларн арзонлиги, қулайлиги, универсаллиги ва темир келажакда фойдаланиш учун етарли миқдордалиги билан жуда қулайдир. Темир ривожланишнинг фундаменти деб ҳам аталади ва узоқ вақт давом этади.

Қадимги грек ёзувчиси Страбоннинг ёзишича, африка халқлари бир фунт темирга ўн фунт олтин беришган экан. Яъни темирдан найзалар ясаб, қолган қисмини бронзага улашган экан. Темирни фақатгина қурол-яроғга ишлатмасдан, балки ундан тиббиётда ҳам фойдаланилган.

Қадимги китобларни варақлаб чиқилганда, темир майда заррачаларидан дори сифатида фойдаланилганини кўрамиз. Майда заррачаларни шакарга қўшиб истеъмол қилинган. Бошқа ҳолларда темирли сув, пўлатли вино, яъни бунинг учун узунининг нордон виносига темир заррачаларини солиб қўйилиб, бир неча кундан кейин истеъмол қилинган ва бу аралашма жуда яхши дори ҳисобланган.

1835 йили «Савдо ва мануфактура» журналининг ёзишича, Венадан Петербургга магнитланган темир бўлакчаларн олиб келинган ва бўлакчалар бўйинга осиб юрилса тиш ва бош оғриғини йўқотиб юборади, дейилган. Магнитни фақат сиртдан фойдаси бўлибгина қолмай, Галеннинг айтишича, магнит заррачаларн сурги сифатида ҳам фойдаланилган. Парацельс «магнит манна»сини тайёрлаган. Агрикола эса магнит тузини, магнит ёғини ва ҳаттоки магнит эссенциясини дори сифатида тайёрлаган.

Абу Али Ибн Сино ўзининг табобат илмида темирга шундай таърнф беради. Темир занги бурнштирувчи, еючандир. Қизиган темир шаробга ёки сувга солинса, бу аралашма ич кетиш ва ичбуруғни тўхтатади. Бу аралашма талоқ шишига, меъданинг бўшашишига ва заифлашганига фойда қилади. Темирнинг занғини шароб билан подаграга қўйилса фойда қилади.

Ҳозир медицинада ҳам темирдан унумли дорн сифатида фойдаланилмоқда. Бунда темирнинг ўзидан порошок сифатида ва унинг тузларидан дорн сифатида ишлатилмоқда. Дорилар порошок ва таблетка ҳолатида, бир кунда 2—3 марогаба ичилади. Дорилар ўз натижасини яхши кўрсатиши учун врач кўрсатмасига биноан узоқ вақт ичиладн. Темирдан ишланган дорнларни ичишда албатта кофе, чой билан ичилмаслн маъқул, чунки темир кофе ва чой билан эримайдиган таннат темирни ҳосил қилиб, ичакда сўрилмасдан қолиб кетади. Организмда темир етишмаганда унга бой бўлган минерал сувлардан ичиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, темир ажойиб металл бўлиб, унинг халқ хўжалигида, медицинада хизмати беқиёсдир. Темирдан олинадиган янгидан-янги нав зангламайдиган пўлатлар, чўянлар эса турли соҳаларда ишлатилади.

А. ВАЛИЕВ,
химия фанлари кандидати.

Кўргазма очилди

Тошкентдаги «Интурист» ахборот-маданият марказида Октябрь 70 йиллигига бағишланган ҳаваскор фотографларнинг асарлари республика кўргазмаси очилди. Кўргазма Ўзбекистон касаба союзлари республика совети министрликлар билан биргаликда ўтказаётган халқ ижодиёти иккинчи Бутуниттифоқ фестивали доирасида ташкил этилди.

Стендларда республикамизнинг ҳозирги куни, Советлар мамлакати ҳалқлари дўстлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи фотосуратлар қўйилган. Кейинчалик мазкур экспозиция материалларидан кўчма кўргазмалар ташкил этишда фойдаланиш мўлжалланмоқда. Бу кўргазмалар саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда намойиш қилинади.

(ЎзТАГ).



№ 8

Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади!

Юсуфжон қизиқ ШАКАРЖОНОВ.

«Муштум» тоғамизнинг тилаги

Кулги мухлисларининг дилларини шод, давра суҳбатларини ҳушчақчақлик билан обод этиш мақсадида газетамизда очилган «Кулгихона» кўпсонли оқшомхонларимизни беҳад хушнуд қилаётганлиги улар йўллаётган хат-хабарларда акс садо бериб турибди, мухлисларийларимизнинг қовоғи очилмайдиган одамни ҳам хандон ташлатиб кулдириб юборадиган қизиқ-қизиқ материаллар — «масаллиқлар» оқиб келяпти. Яна қувончлиси шуки, республикамизнинг машҳур сатирик журнали — «Муштум» тоғамиз ҳам июнь ойидаги 11-сонида «Кулгихона»га яхши тилаклар изҳор этиб, мана бу калималарни ёзибдилар:

«Кулгихона»га омад!

«Тошкент оқшоми» газетасида «Кулгихона» очилди. Бироқ уни шунчаки, қабариқ ойнали уйга кириб, қинғир-қийшиқ башарадан кўладиган жой, деб ўйламанг.

«Кулгихона»да республикамизнинг таниқли ҳажв усталари, ҳаваскор ҳажвчилар, карикатурачи рассомлар, ҳатто газетхонларнинг ўзлари ҳам ёзган энг мақбул ҳажвия, ҳанда, ҳазил шеър, расмлари билан қатнашадилар.

Мухлисларни кулдираверинг, «Кулгихона» соҳиблари! Бу хайрли ишингизга омад тилаймиз!

МУШТУМ.

Кулмаганни кулдиради



Кулиш осон, кулдириш қийин. Ана шу кулдиришдек хайрли ишни ҳар ким ҳам ўз бўйнига олавермайди. Омина Ибодуллина эса, мен кулдираман, деб баралла айта олади. Негаки, унинг санъати, ижоди кулгига йўғрилган. Кулиб туриб йиғлай олади, йиғлаб туриб кула олади.

Дастлаб у Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» драмасида Ҳожар ролини ўйнаб, кейинча кичик-кичик комик ролларда ҳам чиқа бошлади. Бронислав Нушичнинг «Элгонинг қўчи» асаридаги Видаҳоним ролида у ғийбатчи, бойликка ўч, текин деромад ҳисобига яшайдиган аёллар устидан қаҳ-қаҳ отиб кулди, томошабинни ҳам кулдирди. У саҳнага чиққанда энг кўзи илғамас ролларда ҳам томошабин эътиборини қозона олди.

Омина Ибодуллинанинг ўзи кулги ҳақида шундай дейди:

— Бачкана кулгини ёқтирмайман. Юракдан қаҳ-қаҳ отиб, тўлиб-тошиб чиқадиган беғубор кулгига нима етсин. Орзуим: ўзбек ҳажвчи ёзувчиларн кулгига бой асарлар ёзиб беришса. Қайта қуриш даврида бундай асарлар ёзилишига аминман. Яхши комедиялар кўп ёзилса, театримиз томошабинга тўлса ва барҳаёт қаҳқаҳамиз одамларда меҳнатга, ҳаётга чанқоқлик уйғотса, дейман.

Қутбн НОСИРОВА.

СУРАТДА: комик актёр Омина Ибодуллина.

ЗАИФ ХОТИРА

Интермедия

[Эшик тақиллайди]

ЭШМАТ. Марҳамат, киравернг!

ХОДИМ. Ассалому алайкум, яхшимисизлар, кечирасиз, чамамда сиз Ғайрулов Эшматсиз. Мен ЖЭКдан. Рўйхат қилиб юрувдик.

ЭШМАТ. Келинг-келинг, марҳамат, ўтиринг.

ХОДИМ. Сиздан бошлаймиз [ёза бошлайди] Ғайрулов Эшмат...

ЭШМАТ. Ким у Ғайрулов Эшмат!..

ХОДИМ. Ким бўлади, ўзингиз-да!

ЭШМАТ. Ҳа, дарвоқе, ўзимман, Айтаверинг!

ХОДИМ. Хўш... хотинингизнинг исм-фамилиясн!

ЭШМАТ. Ҳаҳ нимайди!!. Исм-фамилияси тилим учида турибди-ю... Кечирасиз ҳозир эсполмадим.

ХОДИМ. Ие, ҳали хотинингизнинг исм-фамилиясини билмайсизми!

ЭШМАТ. Ие, нега билмас эканман, биламан! Хотин, исмнинг нима!

САЛИМА. Салима.

ЭШМАТ. Ана, исми Салима.

ХОДИМ. Фамилиялари!

ЭШМАТ. Фамилиясини айтвор, хотин!

САЛИМА. Холдорова.

ЭШМАТ. Ҳа, Холдорова.

ХОДИМ. Фарзандлар нечта!

ЭШМАТ. Онаси, фарзандлар нечта, айтвор!

САЛИМА. Саккизта.

ЭШМАТ. [шивирлаб] Янглишмадингизмн, хотин!

ХОДИМ. Шивир-шивир бўлмасин, мен чойга ўтирмайман. Хўш... болалар ўқишадимн, ишлашадимн!

САЛИМА. Ўқишади.

ЭШМАТ. Ўқишаркан.

ХОДИМ. Исмлари нима!

ЭШМАТ. Исмларини айтвор, онаси.

ХОДИМ. Ие, қизиқ-ку, ўз болаларингизни ўзингиз билмайсизми ҳали!

ЭШМАТ. Биламан, Тилмининг учида турадн-ю, айтолмайман.

ХОДИМ. Кечирасиз, касалпасал бўлиб қолмаганмисиз!

ЭШМАТ. Онаси, қанақа касал бўлиб қолганман.

САЛИМА. Дадаси, эсингиздан чиқмасин-да. Ичаверибичавериб исклероз касалига чалингансиз.

ХОДИМ. Давоси борми!

ЭШМАТ. Давоси борми, хотин!

САЛИМА. Давоси йўқ.

ХОДИМ. Нима деяптилар!

ЭШМАТ. Давоси кўз ёши экан...

Олим МАҲКАМОВ.

Йўл-йўлакай

— Вой, бошим шундай оғрияптики, нима даво қилсамикин?

Ҳамроҳи лоқайдлик билан деди:

— Афсус, ошқозонингиз оғриганда фойдам тегарди. Менда ажойиб дори бор-да. Асрор **АБРОРХЎЖАЕВ.**

— Йўқ, асло. Ахир қийинчиликлар ишнинг уддасидан чиқолмаганингда энг ишончли баҳона-ку!

Фозилжон ОРИПОВ.

Мўйсафиднинг баҳоси

Қадим замонларда, тамаки эндигина Арманистонга келтирилган даврда Арарат водийсида бир доно мўйсафид яшар экан.

Бир куни бозорда савдогар тамакини оғиз кўпиртириб мақтади. Унинг гапига қараганда чекувчилар сира қарамас, уйларига ўғри ораламас, ҳеч қачон уларни ит қопмас эмиш.

Тамакининг мақтовини эшитган одамлар ўз донишманд мўйсафидларидан маслаҳат олишга қарор қилдилар.

— Албатта, — дея жавоб қилди донишманд, — чеккан одам ҳеч қачон қаримайди, чунки ёшлигидаёқ ўлиб кетади, уйига сира ўғри тушмайди, чунки кашанда тун бўйи йўталиб чиқади: тунлари бедор кечадиган одамнинг уйига киришга ким ҳам журъат эта оларди? Ниҳоят, кашандани ҳақиқатан ит қопмайди, негаки чекиш оқибатида бўғинлар оғриб зириллайди ва киши ҳасса таяниб юришга мажбур бўлади. Қайси ит таёққа яқинлашади, дейсиз?..

Абдусамад ОБИДХЎЖАЕВ
тайёрлаган.

САБР САРҲАДИ

(Ҳазил)

Сўзимга кирсангиз агар дилбарим,
Энди чорласам ҳам келманг қошимга.
О, менинг шаддодим, менинг лобарим,
Севги можаросин солманг бошимга.
Сиз яна келсангиз, келсангиз агар,
Таклиф этиб қолсам ўзим жаҳоним.
Сиполик, тортиниш бариси тугар,
Боқиб сўнг тек тура олмасман хоним.
Гар яна келсангиз дилдорим Сизни,
Шунча тоқатларим ва сабрим ҳаққи,
Кимлар нима деса дейишсин бизни,
Сизни бағримга босарман моҳим.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.



«ЕШ КУЛГИСЕВАРЛАР».

С. Маҳкамов фотоэтюди.

Турмуш чорраҳаларида

УЯТЧАН ЭРНИНГ ДАРДИ

Кечқурун чойхонада бўладиган улфатчилик Тожибойнинг ёдига тушиб, онасиникига отланаётган хотинининг олдига кирди:

— Зулхуморчик, жонгинам, — деди ярим илтимос, ярим жиддий оҳангда. — Беш сўм бериб тур, ўртоқлар билан чойхонада ўтиришмоқчийдик.

Зулхумор тимсоҳ терисидан бежиримгина ишланган ҳамёнини узоқ кавлаштириб, оғриниброқ пул узатди:

— Мана дадаси. Савил қулоғини ушлаб кетаркан-да!

Тожибой осонликча қўлга киритилган беш сўмликни чўнтакка уриб олгач, хотинига қараб тиржайди:

— Онаси, жуда очилибсан-да, ўзинг. Уйингга борсанг онанг ҳам танимай қолса керак-ов. Кўзларинг бирам чиройли бўлиб кетибдики...

— Ростданми дадаси? Қовоғимга сурканганим — «Тень» қурғур чет эллики-да. Дугонам: «Чиройингни очиб юборди» дегани тўғри экан-да бўлмасам.

Тожибой:

— Ия, манови ялтироқ кўйлагинг ярашганиничи? Сув парисидан ҳам ўтиб кетибсан-ку, а? — деди шўхчан қош учириб.

Зулхумор эрининг ҳаваси келиб, тикилиб қолганидан баттар талтайиб, деди:

— Ҳа, дадаси, ростдан ҳам шунақа чиройли, модний бўлиб кетибманми-а? Мабодо ҳазиллашаётганингиз йўқми? Маржоним-чи, ярашибдими?

— Вой-бў-й... нимасини айтасан! — дея Тожибой негадир бирпас жимиб қолди.

— Яна нимадир демоқчимисиз? Барибир қарашларингиздан сезиб турибман, — деди Зулхумор кўз қисиб.

— Айтаверсаммикин, а? — тайсаллади Тожибой.

— Вой, уятчан бўлмай қолинг, айтаверинг!

— Ҳа-я, —деди Тожибой хотинига «суқланиб» тикилар экан, — беш сўм камлик қиладиганга ўхшайди, яна шунча қўшсангмикин девдим, жонгинам, йигирма тийин ўзимда бор.

Зоир ТУРСУНОВ.

Йўқотмалар

Бир ғийбатчи ўз иши билан банд ҳалол бир кишининг йўлини тўсиб, мияснни қоқиб қўлига бераверди, унинг аччиғи чиқди:

— Қўйинг, — деди у киши, — Мен сизга ўхшаб кўчама-кўча юриб ҳаммаларнинг ғийбатини қилиб юрмайман.

— Ҳа, юрмайсиз-юрмайсиз-а, чунки уйингизда телефон бор-да.

АФСУС

Ҳар кимнинг ўз дарди бор. Бир киши ёнидаги ҳамроҳига арз қилди:

— Вой, шўрим, қулоғингизни куйдириб қўйдингиз.

— Ҳа, дазмол босаётган эдим, шу пайт ёнгинамда телефон жиринглаб қолди...

ҒИЙБАТЧИНИНГ ТУҲМАТИ

ПАРИШОНХОТИРЛИК

КУТУБХОНАДА

Китобхон:

— «Уч мушкетёр» қачон келар экан-а?

Кутубхоначи:

— «Опа-сингиллар»дан кейин келиб қолиши мумкин.

ИШОНЧЛИ САБАБ

Корхона раҳбарлари ходимлардан бирига деди:

— Сизни қолоқ бригадага бошлиқ этиб тайинласак, қийинчиликлардан чўчимайсизми?

— Йўқ, асло. Ахир қийинчиликлар ишнинг уддасидан чиқолмаганингда энг ишончли баҳона-ку!

Фозилжон ОРИПОВ.

САЛАЙ ЧАҚҚОН ЛАТИФАЛАРИ

Уйғур халқи орасида Насриддин Афандн билан бир қаторда Салай чаққон латифаларн ҳам кенг тарқалган. Хўш, Салай чаққон ким бўлган деб сўрарсиз.

Салай чаққон тахминан 1790 йилларн Қашқар вилоятида ҳунарманд онласида туғилган. Унинг отаси Муҳаммад охун сўзга чечан, ҳушчақчақ, дилкаш одам бўлган. Салай ҳам отасига ўхшаб, ёшлигндан зеҳни ўткир, эпчил, донм кулиб турадиган бола бўлиб, тезда эл назарига тушабошлади. У мактабда инҳоятда яхши ўқиб, уч-тўрт йил ичида арабча ва форсча китобларни равон ўқийдиган бўлади. Кейин у тоғаси Зарнп заргар ёрдамида эски шаҳардаги мадрасада таҳсил кўради. Аммо мадрасада узоқ ўқиёлмади. Отаси вафот этгач, шаҳарга кўчиб келган онласига қарашга мажбур бўлади.

Кимлар куйиб англайди,
Етимларнинг арзини.
Сабр қил, жоним она,
Ўғлинг тўлар қарзини,

деб, онасига тасалли беради Салай. У ота касби — новойликни бошлаб, тирикчилик куйига тушиб кетади. Шу билан бирга, қобилиятли Салай турли томоша ва тўйларда ўз ғазал, қизиқчилиғи билан элни оғзига қаратиб юради. Салай кўп шаҳар-қишлоқларни кезади ва доммо меҳнаткаш халқ ёнини олади.

ЕШЛИГИМДА ТУШГАНДИМ

Салай чаққон бир боққа ўғирликка тушиб, роса анжирга тўйибди-да, белбоғига ҳам анчасини тугиб энди жўнамоқчи экан, бой келиб қолибди.

— Соқол-мўйловинг чиққанда ўғриликка кирган уялмайсанми? — дебди у дағдаға билан.

— Йўқ, ака, ўғирликка ёшлигимда тушгандим, — деб жавоб берибди Салай чаққон.

ҚУТИЛИШ ЙЎЛИ

Салай чаққондан сўрашибди:

— Тухматчилардан қутилиш учун нима қилиш керак?

— Тухматчилар сўзини тинглаганларнинг қулоқларини кесиб ташлаш керак, — деб жавоб берибди чаққон.

НИМАСИНИ ТЎКАМАН!

Бир калондимоғ бойвачча Салайга дебди:

— Нима, менинг обрўйимни тўкишдан бошқа ишинг йўқми?

— Йўқ,—дебди Салай чаққон. Унинг ийманмай «йўқ» деганидан кулгиси қистаган бойвачча:

— Ундай бўлса тўкавер! — дебди.

— Йўқ обрўингнинг нимасини тўкаман? — сўрабди Салай.

Орнф ФАРМОНОВ
тайёрлаган.

КЕСАР БОЛТАЕВ ЛУҚМАЛАРИ

◆ Қўлинг эгри бўлса, қўшнингдан ўпкалама.
◆ Жарима ундирмоқчи бўлсанг, жаҳлимни чиқар, ука!..
◆ Сернон қилиб есанг, оз овқатга ҳам барака кириб кетади.
◆ Пораҳўр уйқусираса, хотинидан пул сўрар экан.
◆ Дилозорни кўргунча, асаб дам олади.
◆ Хўжайин босиқлик билан қўзимга кўринманг, деди, энди ишга келмай тураман.
◆ «Запорожец»га «Жигули»ни пайванд қилсанг, «Волга»га айланади.
◆ Тилинг югурик бўлса, кўзингни эҳтиёт қил.
◆ Тандирга бош суқиб, қуйган нонни санама.
◆ Чайқовчига йўл берма, безорига қўл берма.
◆ Итинг қопаган бўлса, меҳмонинг қочаган бўлади.
◆ Оғайнинг тўкис бўлса, нокасга рўбарў қил.
◆ Кўз қисган писмиқдан қўрқ, қизинга совчи қўяди.
◆ Мияда чақилган ёнғоқнинг мағзи аччиқ бўлади.

ТАРСАКИ

Ҳажвия

Бозор айланиб юрган Ботирхон гул растаси олдида димоғига хуш ёққан ҳиддан сархуш бўлиб, бенхтиёр тўхтаб қолди. Кечқурун поччаси командировкадан келишига бир даста гул харид қилмоқчи бўлди. Шу пайт кимдир орқа томондан икки елкасини қисиб қучоқлади-да, қимирлашга ҳам қўймай:

— Топ-чи, — деди ҳезланган оҳангда, мен кимман?..

Ботирхон атрофдан ўтиб-кетиб турган одамларнинг қарашларидан ҳижолат бўлиб, оқ-сариқ юзларн «дув» қизариб кетди.

— Қўлингизни олинг, кимлигингизни кейин айтаман, — деди у жиддий, сўнг ошкўклар солинган тўрхалтани маҳкамроқ ушлаб кифтини куч билан керган эди, уни қучиб турган қўллар бўшашиб қўйиб юборди.

— Яшаворр-э! — ҳиринглаб кулди орқадаги киши. — Менга қара, овозимдан ҳам танимадинг-а?.. Ўзиям кўришмаганимизга минг йил бўлди-ёв...

Ботирхон ўзини ўнглаб, қаршисида собиқ синфдоши; пак-такана, даҳани ингичка, пешонаси тор, пашша-кўз, табиатан енгилтак Шодивой сўйлоқ тишларини хунук тиржайтириб турганини кўрди:

— Э, сенмидинг?.. Ўзим ҳам ўйловдим, — ҳафсаласи пир бўлиб зўрға қўл узатди Ботирхон, кейин «болаликдаги шилқимлигинг ҳали ҳам қолмабди-да» демоқчи бўлди-ю, қисқагина замзама қилди:

— Ҳалиям ҳазил-ҳузул қилиб, тараллабедод юрибсанми?

— Ўзинг-чи? — деди Шодивой гапни бошқа ёққа бураркан, қўлларини белига беўхшаб тираб. — Болалар нечта бўлди?

— Иккита.

— Нега бунақа кам?

— Яхши одам бўлса, иккита фарзанд ҳам етади.

— Боксчисанда, боксчи... Бутун кучингни боксга бергансан... Мени қара. қирқ бирга кириб тўққизта чурвақани қаторлаштириб қўйибман... Шу дегни, ҳозир ҳам жонларни кўрсам арғумоқдек кишнаб юборгим келади...

Ботирхоннинг бу гапдан таъби хира тортиб кетди:

— Тўққиз фарзандинг отаси бўлсанг ҳам шилқимлигинг қолмабди-да... — деди ғижиниб.

— И-е... Нима деяпсан, Ботирхон? — куйдирган калладай тиржайди Шодивой. — Дунёнинг лаззати, эркакнинг жон роҳати — хотин, — Шодивой шундай деб бирдан чекка йўлакда гул харид қилаётган оқ ҳарир кўйлакли хушқомат ёшгина аёлга кўзи тушди: — Оҳ-оҳ-оҳ, ановнни қара, — деб юборди у пашша кўзларини йилтиратиб, — бу жононни айлантирса бўлади... Ҳозир, Ботирхон, бир «ҳунарим»ни кўрсатай, сен қараб тур.

Ботирхоннинг бирдан авзойи ўзгариб кетди. Шодивой шу орада гўладек пилдираб бориб гул олаётган аёлнинг пинжига суйкалди:

— Гул олаяпсизми, жонидан... Мен саралаб бера қолай, жоним... — у аёлнинг таранг белига энди қўлини қўйган эди, шу зум қулоғи остида ғазабли овоз жаранглаб кетди:

— Аблаҳ! — Ботирхон шундай кучли зарб билан тарсаки урди-ки, Шодивой юзини ушлашга ҳам улгурмай юмалаб кетди.

— Бу менинг опам Лобар-ку, аблаҳ! — деди Ботирхон қўлларини Шодивойнинг устида мушт қилиб.


— Кечир, танимабман, — йиғламсираган ёғган ерида Шодивой.

— Танимадингми?.. — тишларини ғижирлатди Ботирхон. — Ахир ўз қизинг, синглинг тенгига, бир бегонага шилқимлик қилгани уялмайсанми?.. Сенинг синглингга, хотинингга ё қизингга биров шунақа қилиқ қилса яхши бўладими, ифлос!..

Ботирхон бозорда опасини учратиб қолганига бир чеккаси хурсанд бўлиб, поччасини кутиб олиш учун гул харид қилишида, жўнаб кетди.

Боксчи дўстининг тарсакиси зарбидан йиқилган Шодивой ҳамон ўзини ўнгилолмай ерда кучук боладек инқиллаб ётарди.

Тўлқин РАСУЛЕВ.



Қувноқлар гулшанида

Х. Шодиев фотоэтюди.

Ёз — ўтмоқда соз

МАЗМУНЛИ ДАМ ОЛИШ

Акмал Икромов районидаги Ойдин Собирова номли 106-ўрта мактабда айни кунларда пионер ва ўқувчиларнинг ёзги каникулини мароқли ўтказиш учун оромгоҳ ташкил қилинган. Ҳозир бу ерда 100 дан ортиқ ўқувчи дам олмоқда.

— Лагерда 5 та отряд бўлиб, ўқувчиларнинг мазмунли дам олиши учун барча шароит яратилган, — дейди мактаб бош пионервожатийси Мастура Аширова. — Лагерда шахматшашка, моҳир қўллар, бадиий ўқиш, спорт ҳамда бичиш-тикиш, рақс тўгаракларини ишлаяпти.

Бундан ташқари ўқувчиларнинг саёҳат ва экскурсиялари уюштириляпти. Шу билан бирга музейларга, ҳайвонот боғи ва болалар боғларига экскурсия ўтказишни планлаштирганмиз.

Мактабда пионер ва ўқувчиларнинг «Меҳнат — роҳат» лагери ташкил қилинган бўлиб, унга 70 ўқувчи қатнашмоқда.

Д. ИКРОМОВА.

«Ўзбекфильм» павильонларида

Ҳаётий муаммолар

Шу кунларда Комил Ерматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудиясида бир қатор янги бадиий фильмлар яратилмоқда. Чунончи, режиссёр Равиль Ботиров ихтирочи-инженер тақдирига бағишланган «Иккинчи айлана бўйлаб» номли янги картина устида ишламоқда. Кинодраматург А. Горохов сценарийсига кўра, бўлажак картина қаҳрамони Мурод лойиҳа институтида хизмат қилади. У қобилиятли, сергайрат йигит. Мурод тоғли районларда ишлатишга мўлжалланган махсус машина ихтирочиси ҳисобланади. У ўз лойиҳаси устида кўп ишлайди. Лекин кўп меҳнат сарфлаганига қарамай Муроднинг ихтиросини ишлаб чиқаришмайди.

Фильмни операторлардан А. Панн ва Н. Ғуломовлар суратга олишмоқда. Декорация эскизлари Э. Аванесов мўйқаламига мансуб.

«Ўзбекфильм»нинг бошқа бир павильонида «Вельд» деб номланган бадиий фильм суратга олинмоқда. Оператор Л. Янчорас. Рассомлар С. Алибеков ва Е. Пушин. Мазкур картина режиссёр Н. Тўлахўжаев раҳбарлигидаги ижодий группа томонидан яратилмоқда. Фильмга инглиз ёзувчиси Р. Бредбери ҳикоялари асос қилиб олинган. Воқеалар иккинчи жаҳон урушининг йилдан сўнг бўлиб ўтади. Унда техника тантанаси инсон ҳаётига қандай таъсир этиши хусусида фикр юритилади.

Ёш режиссёр Ю. Азимов «Индамас» номли янги бадиий фильмни яратмоқда. Картина сценарийси П. Луцик, А. Саморядовлар қаламига мансуб.

Бош қаҳрамон мактаб ўқувчиси Нодира исмли қиз. У индамас, унга ҳеч ким эътибор бермайди. Бу ҳол, шубҳасиз, гўдак қалбини азоблайди. Кунлардан бир кун Нодира барчанинг эътиборини ўзига қаратмоқчи бўлиб, ажойиб воқеа ўйлаб топади...

Нодира образини Тошкентдаги 9-ўрта мактаб ўқувчиси Гўзал Аминова ижро этмоқда. Фильмни оператор Х. Ҳасанов суратга олаяпти. Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш керакки, Х. Ҳасанов кенг томошабинлар оммасига «Орзулар оғушида» номли картина орқали таниш.

«Клиника» деб номланган фильм воқеалари эса замонавий касалхоналарнинг бирида бўлиб ўтади. Картина марказида ёш хирург Олим образи туради. У иш фаолияти давомида бир қатор муаммоларга дуч келади. Бир томондан Олим беморларга қўлидан келган ёрдамни аямайди. Иккинчи томондан виждонига қаршн иш тутади. Масалан, бош врач илтимосига кўра, ёрдамга унча муҳтож бўлмаган кишини ҳам клиникага ётқизишга мажбур бўлади...

Картина асосан янги ТошМИ атрофида суратга олинади. Фильм оператори Р. Галиев. Декорация эскизлари А. Шибаев қаламига мансуб. Бўлажак кино асар Бутунittифоқ кинематография институти битирувчиси Р. Маликов раҳбарлигида яратилмоқда. Фильм сценарийси ҳам унинг қаламига мансуб.

Режиссёр Э. Хачатуровнинг «Уч ботир» номли картинаси цирк санъати устасларига бағишланган. Люба, Гоша, Эркин кичиклигидан циркни севишади. Улар циркчилар оиласида улғайган бўлиб, ўзларининг барча бўш вақтларини манежда ўтказишади. Келажакда қиладиган ишлари тўғрисида ўйлаб, ширин хаёлларга берилишади. Лекин уруш бошланиб, уларнинг барча режаларини бузиб юборади. Қаҳрамонларимиз ёш цирк устлари олимпиадасига йўл олиб, қочоқлар билан бирга асирга тушадилар...

Бўлажак картина томошабинлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қоладиган жозибали ижодларга, ёркин образларга бой. Оператор Р. Иброҳимов. Постановкачи-рассомлар Т. Бекмамбетов, В. Ушаков.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

«Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сони 25 июнда чиқади.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/VI да **Куёв.**
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 24/VI да **Тошболта ошиқ.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—**«Варшава» цирки артистларининг гастролларн** (18, 20.30).

Кино

23 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШАҲРИЗОДНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ» — **Санъат саройи** (16, 18.30, 20.45).

«ЭРИЁТГАН БУЛУТЛАР» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30), **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (16, 18.30, 21.00).

«СКРИПКА ҒИЛОФИ» ОПЕРАЦИЯСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«ҚЎЛГА ОЛИШ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (тоқ соатларда).

«ҚУРЬЕР» — **Қозоғистон** (16, 18, 19, 20.00).

«ЮЗМА-ЮЗ» — **Искра** (17, 20.00), **Москва** (16, 18.30, 21.00), **Лисунов номли** (17, 20.00).

«ҲАМРОҲ» — **Дружба** (17, 19, 21.00).

«УЗОҚ КУЗАТИШЛАР» — **Дружба** (16, 18, 20.00).

«НОЕБ ЗОТ» — **Чайка** (17, 21.15).

«СЕВГИ ҲАҚИДАГИ ИЛОВАЛИ ХАТЛАР» — **Восток** (жуфт соатлада).

«БУ ТЕЛБА ДУНЁ» — **С. Раҳимов номли** (18, 21.00)

«СУНГГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ? — **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00).

24 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШАХРИЗОДНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ»— **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«ЭРИЁТГАН БУЛУТЛАР» — **Санъат саройи** (12, 14.30, 17, 19.30), **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ҚЎЛГА ОЛИШ»—**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«КУРЬЕР» — **Қозоғистон** (11, 13, 14, 16, 18, 19, 20.00).

«ЮЗМА-ЮЗ» — **Искра** (12, 14.30, 17.15, 20.00), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ҲАМРОҲ»— **Дружба** (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

«УЗОҚ КУЗАТИШЛАР» — **Дружба** (12, 14, 16, 18, 20.00). **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (тоқ соатларда).

«НОЕБ ЗОТ» — **Чайка** (11, 15, 17, 19.30).

«АЛАНГА ИЧРА» — **Чайка** (12.45, 17, 21.15).

«СЕВГИ ҲАҚИДА ИЛОВАЛИ ХАТЛАР»— **Восток** (жуфт соатларда).

«БУ ТЕЛБА ДУНЁ» — **С. Раҳимов номли** (12, 15, 18, 21.00).

«ТОВОН ТЎЛАШ»— **Ғ. Ғулом номли** (14, 17, 20.00).

«БОРИГА БАРАКА ЁКИ ЖАВОБ ЗАРБАСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КАСБ ТАНЛАЙМИЗ!

ЗАРУР ВА ШАРАФЛИ КАСБ

СОТУВЧИЛИК АНА ШУНДАЙ КАСБЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ

Кўпчиликнинг кайфияти кўтарилиб, натижада магазиннинг шуҳрати ошиши сотувчининг харидорга илтифот билан хизмат кўрсатишига, буюм танлашда мулозамат ва чин кўнгил билан ёрдам беришига боғлиқдир.

«Техника-рўзғорда» мактаб-магазини сотувчилик касбини эгаллашда ёрдам беради.

Мактаб-магазинга Тошкентда доимий прописка бўлган 10-синф ҳажмида маълумотли қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 6 ой бўлиб, у умумий меҳнат стажига қўшилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 63 сўмгача стипендия берилади.

Битирувчиларга кичик сотувчи малакаси берилиб, улар «Ташхозторг» магазинларида иш билан таъминланадилар.

Бир йилдан сўнг ёш мутахассислар Тошкент совет савдоси техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Ўқишга кириш учун: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат, паспорт, уч дона фотосурат (5х6 см.), турар жойидан справка, «Ташхозторг» директори номига ариза топшириш керак.

«Ташхозторг» адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 24-уй, телефон 91-59-53.

«Ташхозторг»нинг 5-«Техника-рўзғорда» мактаб-магазини адреси: «Марказ-14», Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 24-уй.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ГАРАЖ-ТЕХНИКА ХИЗМАТИ БИРЛАШМАСИ **1987 йил 25 июнга қадар** автомобиль турар-жойларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган кишиларнинг дебит қарзларини узишларини сўрайди.

Юқорида кўрсатилган муддатдан кейин ҳеч қандай даъволар қабул қилинмайди.

Ҳақини қуйидаги адресда жойлашган бирлашмага ўтказиш мумкин: Тошкент шаҳри, Новомосковская кўчаси, 25-уй ёки автомобиль турар-жойлари бригадирларига.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
«ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» ЗАВОДИГА:

қолипловчилар, қолишга қуювчилар, эговловчилар, обрубкачилар, жилвирловчилар, қуювчилар, симкашлар, кесувчилар, токарлар, асбобсоз-слесарлар, рандаловчилар, фрезерчилар, пармаловчилар, силлиқловчилар, сайқал берувчилар, юк ташувчилар, ёрдамчи ишчилар, қурилиш касбидаги ишчилар

КЕРАК

Справкалар ва ишга йўлланмалар олиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги аҳолини ишга жойлаштириш пунктлари.

СССР Алоқа министрлигининг
ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ
1987-1988 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТЕХНИКУМ ТЕЛЕВИЗИОН ТЕХНИКА ВА РАДИОРЕЛЕ АЛОҚАСИ, РАЙОН ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ (фақат кундузги бўлим), АВТОМАТИК ЭЛЕКТР АЛОҚА, ЛИНИЯ-КАБЕЛЛИ АЛОҚА ИНШООТЛАРИ, ПОЧТА АЛОҚАСИ, КЎП КАНАЛЛИ ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ, ТЕЛЕГРАФ АЛОҚАСИ, ВА МАЪЛУМОТЛАРНИ УЗАТИШ, БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ (сиртқи бўлим) ИХТИСОСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Техник ихтисосликлар бўйича кундузги бўлимга 8-синф маълумоти билан ўқишга кираётганлар 3 йилу 10 ой, 10-синф маълумотига эга бўлганлар — 2 йилу 8 ой таълим оладилар.

«Почта алоқаси» ихтисослиги бўйича 10-синф маълумоти билан ўқишга кирувчилар — 1 йилу 10 ой таълим оладилар.

Техник ихтисосликлар бўйича 10-синфни битириб техникумнинг сиртқи бўлимига ўқишга кираётганлар — 3 йил, «Почта алоқаси» ихтисослиги бўйича — 2 йил, «бухгалтерлик ҳисоби» ихтисослиги бўйича — 2 йил таълим оладилар.

Бошқа шаҳарлардан келган ўқувчилар ётоқхона билан (эркаклар алоҳида, аёллар алоҳида) **таъминланадилар.** Кундузги бўлимнинг ўзлаштирувчи ўқувчилари ойига 30 сўм, аълочилар — 30 сўмга яна қўшимча 25 процент стипендия билан таъминланадилар. Техникумнинг кундузги бўлимини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар ўқишни давом эттириш учун институтларга юборилади.

Техникумда имтиёзли овқатланиш (50 процент арзонлаштирилган) **ташкил этилган.**

ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Аризалар: кундузги бўлимга — 8-синф маълумотига эга бўлганлардан — 31 июлгача, 10-синф маълумотига эга бўлганлардан 10 августгача қабул қилинади.

Аризалар сиртқи бўлимга: 10-синф маълумотига эга бўлганлардан 10 августгача қабул қилинади; 8-синф маълумотига эга бўлганлар сиртқи бўлимга қабул қилинмайди.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (2х3 см,), меҳнат дафтарчасидан (ишловчилар учун кўчирма).

Кириш имтиҳонлари кундузги ва сиртқи бўлимларда — 1 августдан 20 августгача ўтади. 8-синф маълумотига эга бўлганлар — математикадан (оғзаки), она тили ва адабиётидан (диктант); 10-синф маълумотига эга бўлганлар — математикадан (оғзаки), она тили ва адабиётидан (иншо) имтиҳон топширадилар.

Адрес: 700189, Тошкент шаҳри, 189-алоқа бўлими, Усмон Юсупов кўчаси, 70-уй (18, 44, 48, 97-автобуслар, 10-троллейбуснинг «Лабзак», 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа техникуми» бекатлари). Телефонлар: 41-35-58, 41-35-68.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ
37-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1987-1988 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ МЕТРО ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

8-синф маълумоти билан ўқишга кирганлар:

ЭЛЕКТР ВА ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, БЎЁҚЧИ-СУВОҚЧИ, ПЛИТАЛАР ТЕРУВЧИ, ҚУРИЛИШ ДУРАДГОРЛИГИ, НАВБАТЧИ ЭЛЕКТРО-СЛЕСАРЬ, ЙЎЛ-ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЛИК МУТАХАССИСЛИКЛАРИНИ ЭГАЛЛАЙДИЛАР. **Ўқиш муддати 3 йил.**

Ўқиш муддати 10-синфни битирган ва Совет Армиясида хизматни ўтаб қайтганлар учун 6 ой. 10-синфни битириб келганлар учун эса 1 йил. Улар электр пайвандчи, безак плиталар терувчи, бўёқчи-сувоқчи мутахассисликларини эгаллайдилар.

БИЛИМ ЮРТИГА ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-синф маълумоти билан билим юртига кирганлар давлат таъминотида бўлади. Уларга байрам ва иш кийимлари берилади. 3 маҳал бепул овқат билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг ўқувчилар тегишли мутахассислик бўйича разряди кўрсатилган ҳамда тўлиқ ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом оладилар.

10-синф маълумоти билан ўқишга кирганлар ойига 80 сўмдан 94-сўмгача стипендия олишади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ДАВРИДА БАРЧА ЎҚУВЧИЛАРГА ИШ ҲАҚИНИНГ 50 ПРОЦЕНТИ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ходимлари қаторида имтиёзлардан фойдаланадилар.

Аъло баҳолар билан ўқиганлар эса билим юртини тугатгандан сўнг танлаган касби бўйича ўқиш учун олий ўқув юртларига юборилади.

Билим юрти яхши жиҳозланган кабинетлар, ишлаб чиқариш устахоналари, спорт зали, ётоқхонага эга.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: маълумоти тўғрисида шаҳодатнома ёки аттестат, мактабдан характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 6 дона 3х4 см ҳажмдаги фотосурат, ариза.

ҲУЖЖАТЛАР 25 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: 700156, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Д-20 квартал, 35-уй (50, 78, 94-экспресс-автобуслар, 6, 11, 19-троллейбуслар, 17-трамвайларнинг «20-квартал» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг Гражданлар авиацияси-нинг 243-ремонт заводи базасидаги
20-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали 1987—1988 ўқув йилига мутахассислар тайёрлаш учун

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синфни битирган ўқувчилар: учиш аппаратларининг слесарь-ремонтчиси, авиадвигателларнинг слесарь ремонтчиси, учиш аппаратларининг ремонти ва уларнинг ускуналари бўйича электромонтажчи, газ-электр пайвандчи ихтисосликлари бўйича 3 йил, 10-синфни битирганлар эса бир йил таълим оладилар.

Ўқишга Тошкент шаҳрида пропискада турувчи йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртини тамомлаганлар авиация ремонти база корхоналарига ишга юборилади. Завод ишчиларига граждан авиацияси ходимларига тегишли имтиёзлар ҳам берилади.

3 йил муддат билан ўқийдиган ўқувчилар тўлиқсиз давлат таъминотида бўладилар, бир йил ўқийдиган ўқувчилар эса ойига 30 сўм стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Билим юртида спорт секциялари, вокал чолғу ансамбли тўгараклари ишлаб турибди.

Ўқувчилар 16 ёшга тўлиши билан авиация клубига қабул қилинади.

Битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчилар эса граждан авиацияси институтлари ва билим юртларига юборилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: директор номига ариза, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумот ҳақида ҳужжат, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмида 5 дона, 6х4 см. ҳажмида 3 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9 дан 16.00 гача қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри Авиасозлар шаҳарчаси. Телефонлар: 99-96-46, 99-94-50.

1966 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ

ОБЛИГАЦИЯЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИ БОШҚАРМАСИ
ЭСЛАТИБ ЎТАДИ

1966 йилда чиқарилган давлат заёми облигацияларини 1982 йилда чиқарилган давлат заёми облигацияларига имтиёзли равишда алмаштириш муддати

1987 ЙИЛ 1 ИЮЛДА ТУГАЙДИ

ОМОНАТ КАССАЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ОБЛИГАЦИЯЛАР АНА ШУ ОБЛИГАЦИЯ ЭГАЛАРИ ЁКИ УЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛИ ТАШРИФ БУЮРГАН ТАҚДИРДАГИНА АЛМАШТИРИЛАДИ.

Ана шу заём облигацияларини сотиб олиш уларда чиққан ютуқларни тўлаш 1988 йил 1 июлга қадар амалга оширилади. Ана шу муддат ўтиши билан облигациялар ўз қийматини йўқотади ва уларга ҳақ тўланмайди.

Справкалар олиш учун телефонлар: 33-51-95, 33-29-73.

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

Газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этинг!

Об-ҳаво шароитларининг ўзгариши билан газ асбоблари дудбуронларида тортиш кучи камаяди. Газ асбобларининг ёниши туфайли ҳосил бўлган ис ва дуд ҳавога тўла чиқиб кетиши керак.

Газ асбобларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш учун дудбуронларнинг ҳаво тортиш-тортмасларини доимо кузатиб бориш керак. Бунинг учун газ горелкасини ёқишдан олдин, шунингдек у ёниб турган вақтда гугурт чўпини ёқиш билан текшириш ўтказилади, яъни ёқилган гугурт сув иситгич мосламасининг қопқоғи ёки кўриш тирқишига яқин келтирилади. Агар аланга ичкарига қараб тортилса, демак дудбурон яхши ишлаётган бўлади, агар гугурт алангаси тескари томонга қараб оғса, у ҳолда дудбурон носоз ҳисобланади.

Дудбурон ҳаво тортмаётган вақтда сув иситгичлардан фойдаланиш қатъиян тақиқланади, чунки бу вақтда ис гази билан заҳарланиш хавфи туғилади. Абонентлар дудбурон ҳаво тортмаётгани ҳақида: маҳаллий Советлар ва идораларнинг уйларида яшаб турувчилар — турар-жой конторасига, хусусий сектордаги уйларда яшаб турувчилар — ҳўжалик ҳисобида ишловчи «Стройрембит»га: Алиев кўчаси, 72-уй ёки Тошкент шаҳар кўнгилли ўт ўчириш жамиятига: Красновосточний кўчаси, 114-уй — дарҳол мурожаат қилишлари шарт.

ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНДА НИҲОЯТДА ҲУШЁР БЎЛИНГ!

ГАЗ ВА ГАЗ АСБОБЛАРИДАН АВАРИЯСИЗ ВА ПУХТА ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТИНГ!

«ТАШГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«Ц» ИНДЕКСЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР

«РАДУГА Ц-259», «ЭЛЕКТРОН Ц-275», «ГОРИЗОНТ Ц-275», «РЕКОРД Ц-275», «БЕРЕЗКА Ц-208» — БУЛАР РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИДИР.

Улар аввалгиларидан икки баравар енгил ва атиги 80 ваттга яқин электр энергиясини истеъмол қилади.

Юқорида айтилган маркадаги телевизорларни «Чилонзор» ЦУМидан нақд пулга ва кредитга сотиб олиш мумкин.



«ЧИЛОНЗОР» ЦУМИ (ТЕЛЕФОН 77-14-31).

Келин ойим сеплари, бари ипак, ёр-ёр.

ШОЙИ ГАЗЛАМАЛАР... УЛАР ЎЗ РАНГУ ТАРОВАТИНИ ГЎЁ ҚУЁШ НУРИДАН ОЛГАНДАЙ ЁРҚИН, ШӮХ ВА ҲАРИР.



Ёз фаслида шойидан тикилган кўйлаклар, сарафанлар, юбкалар, блузкалар хотин-қизларнинг айни муддаосидир. Улар пишиқ ва кўркам бўлиб, ҳаммага бирдек ярашади.

Газламаларнинг хиллари кўп, демак ҳар бир киши ипакли газламани ўз диди, истаги ва мода талабларидан келиб чиқиб танлаши мумкин.

Марғилондаги Халқлар дўстлиги орденли «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Куйбишев номидаги шойи комбинатининг, Намангандаги аврли шойи газламалар комбинатининг крепдешин, крепжоржет, табиий ва сунъий шойи, хонатлас каби газламаларини

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМАЛИ САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ 1-МАГАЗИНИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Магазин адреси: Навоий кўчаси, 18-уй.

Иш вақти соат 10 дан 20.00 гача. Танаффус 14 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — душанба (7, 8, 11, 16-трамвайлар; 8, 18-троллейбусларнинг «Шайхонтохур» бекати).

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМАЛИ САВДО БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ОТ ПОЙГАСИ МУСОБАҚАЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ ЎЙНАЛАДИ

Ҳар галги тиражда иккита «ЖИГУЛИ» автомобили, мотоциклар, велосипедлар, гиламлар, «РИГА» мопедларн ва ҳоказолар ўйналади.
ЛОТЕРЕЯ ТИРАЖИ СОАТ 11.30 ДА ЎЙНАЛАДИ.

Бир дона буюм лотереяси билетининг баҳоси — 1 сўм.

Отчопарга кириш билети — 1 сўм.

Кириш ва лотерея билетларини ОТЧОПАР ва «ПАХТАКОР» стадиони кассаларидан ҳар куни соат 11 дан 20.00 гача бемалол сотиб олиш мумкин.

Адрес: Тошкент шаҳри, 156-алоқа бўлими, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 156-уй.

Телефонлар: 76-43-60, 76-76-28 — буюм лотереяси ўтказиш юзасидан маълумотлар олиш учун; от спорти лотереясининг ўтказилишига доир справкалар учун — 76-75-47.

Тошкент шаҳар дон қабул қилиш корхонаси коллективи корхона директорининг ўринбосари Э. М. Ҳайдаровга онаси **Маҳсума ОТАҚЎЗИЕВНА ҲАЙДАРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р—10847 Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 18.45 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Тиражи — 75.134. Б. 2155. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.